

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ” КАФЕДРАСИ**

**Бабаева Севара Бахтиёр қизи**

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА УСЛУБ МАСАЛАСИ**

**(ИСАЖОН СУЛТОН РОМАНЛАРИ МИСОЛИДА)**

**БИТИРУВ**

**МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: ф.ф.н. ФАЙЗУЛЛАЕВА О.**

**Гулистон-2016**

# **МУНДАРИЖА**

## **КИРИШ.**

### **I БОБ. Замонавий романнависликда услуб масаласи.**

1.1. Исажон Султоннинг “Озод” романида услуб.

1.2. “Боқий дарбадар” романида услуб ва маҳорат масаласи.

### **II БОБ. Замонавий романларда образлилик.**

2.1. “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи.

2.2. Замонавий романларда персонажлар талқини.

### **III БОБ. Романларда бадиият ва психологизм.**

3.1. Замонавий романларда бадиий-тасвирий воситаларнинг қўлланилиши.

3.2. Романларда психологик тасвир.

## **ХУЛОСА.**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** “Халқ маънавияти шундай бир уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади” дея таъкидлаган муҳтарам юртбошимизнинг қанчалар ҳақ эканлигига имон келтирамиз. Халқ маънавиятига энг кучли таъсир кўрсатувчи, уни маълум бир мақсадлар, марралар сари йўналтирувчи асосий куч эса, шубҳасиз, бадий адабиётдир. Буни чуқур ва теран англаган Президентимиз яна бир асариди шундай дейди:

“Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”.

Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг ўзлигини, тарихи ва келажак тақдирини белгилаб берувчи манба сифатида адабиёт ҳамма замонда ҳам бирдек улуғланган. Айниқса, бугунги кунда мустақиллик даври ўзбек адабиётининг истиқболли манзиллари сари кенг эшикларни очиб берилган. Инсон руҳиятининг мураккаб қирраларини ўзида акс эттираётган турфа асарлар замонавий адабиётнинг бетакрор намуналари саналади. Бундай асарларни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, уларнинг камчиликлари ва ютуқлари ҳақида фикр билдириш, муаллифларнинг яратаётган янгиликлари, кашфиётларини аниқлаш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан биридир. Шу ўринда, замонавий ўзбек адабиётида яратилаётган романлар ҳақида сўз юритмаслик асло мумкин эмас. Зеро, «Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудрати оғир саноатнинг қанчалик ривожланганига қараб белгиланганидек, ҳар қандай миллий адабиётнинг инсоният эстетик тафаккурига қўшган ҳиссаси ҳам ундаги романчиликнинг салмоғи билан тайин этилади. Чунки роман миллат бадий тафаккурининг тараққиёт даражасини намоён этади».

Сўнги даврларда яратилаётган Назар Эшонқулнинг “Тўрўғли”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар”, “Йўл”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод”, Эркин Аъзамнинг “Шовқин”, Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” ва яна бир қатор ўзига хос услубдаги романлар ўзбек адабиёти тарихида янги ҳодиса ҳисобланади. Ёзувчиларнинг асарни ифода этишдаги янгича услубий изланишлари, образлар яратишдаги, сюжет линияларини белгилашдаги янгиликлар, энг муҳими, умуминсоний туйғуларни ва руҳиятнинг нозик қатламларини тараннум этишга қаратилган мазкур асарлар адабиётшуносликнинг энг асосий ўрганиш объектларидан бирига айланди.

Айниқса, замонавий ўзбек адабиётининг етакчи вакилларида бири бўлган Исажон Султоннинг “Озод” ҳамда “Боқий дарбадар” романларини илмий тадқиқ этиш, романларнинг ўзиган ҳос услуби, яратилиш тарихи, персонажлар талқини, асар тили каби масалаларни кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Адабиётшуносликида доимо муҳим саналган бадиий маҳорат ҳамда услуб масалалари борасида кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилгани маълум. Биз ўрганаётган Исажон Султон ижодига, хусусан, романларига бир қатор адабиётшунос олимлар ҳам назарий фикрлар билдиришган. Бу ҳақдаги илмий ва танқидий қарашлар “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган Профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг “Роман ва бугунги ўзбек романчилиги” (2010 йил романлари мисолида), олим ва таржимон Маҳкам Маҳмудовнинг “Тақлид, тасвир, илҳом ва истеъдод” номли мақолаларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган, “Наср: бугун ва эртага” (Абдуқаюм Йўлдошев томонидан ўтказилган давра суҳбати), “Истиқлол. Адабиёт. Танқид...” (Ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам саволлари асосида қурилган суҳбатлар) тўпламида, интернет сайтларида эълон қилинган “Исажон Султон ижодига чизгилар”, “Агасфер – санъатда”, “Ўзбек адиби Исажон Султон ижодига чизгилар”, “Адабиёт қалбларни бирлаштиради” ва яна кўплаб илмий нашрларда муаллифнинг ижоди, хусусан, романлари тўғрисидаги турли фикрларни учратишимиз мумкин.

2010 йилда Исажон Султоннинг "Боқий дарбадар" асари Ўзбекистонда йилнинг энг яхши романи, 2011 йилда эса муаллифнинг “Озод” романи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси танловида наср йўналиши бўйича ғолиб деб эътироф этилди

Шунингдек адибнинг "Қисмат" ҳикояси АҚШнинг Чикаго шаҳрида чоп этиладиган "Лексикон" адабий журнали танловида ғолиб чиққанди

Ушбу тадқиқотимизда юқорида кўрсатилган илмий ва адабий манбаларга таяниб, ўрганилаётган масала юзасидан ўзига ҳос хулосаларимизни баён этамиз.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Биз ўрганаётган Исажон Султон романларини битирув малакавий ишининг бош мақсадидан келиб чиқиб, ёзувчининг бадиий маҳорати, қаҳрамонлар шахсиятини очишдаги ўзига ҳос услуби, бадиий ҳақиқатни ҳаёт ҳақиқатига мос тарзда ифодалашини аниқлашда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- адиб асарларини тадқиқ этиш;
- ушбу йўналишда бажарилган илмий **ва** танқидий манбаларни ўрганиш;
- романларнинг бадиий хусусиятни аниқлаш;

- адиб ижодий услубининг ўзига хослигини аниқлаш;
- адибнинг образ яратиш маҳоратини илмий-назарий режада ёритиш;
- асарлардаги бош қаҳрамон масаласини талқин этиш;
- образлиқнинг персонажлар сиймосида акс этишида адибнинг бадиий маҳоратини ёритиш;
- асарда фойдаланилган бадиий-тасвирий воситаларни таҳлил этиш;
- романлардаги психологизмнинг қай даражада очиб берилганлигини илмий тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Исажон Султоннинг романнавислик маҳорати, услуби, замонавий ўзбек насри тараққиётида тутган ўрни, бадиий жиҳатдан ўзига хослиги мазкур битирув малакавий ишида тадқиқот тарзида ўрганилмоқда. Ёзувчининг услубий маҳоратини баҳолаш асносида унинг ижодига хос бош қаҳрамон масаласи, персонажлар талқини, романлар тили масаласи, образлиқ ва психологизм каби жиҳатларни тадқиқ этиш ишнинг янгилигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Ушбу битирув малакавий ишида адабиётшунос олимларнинг бадиий маҳорат масалаларига бағишланган асарларидан, илмий-назарий тадқиқотларидан методологик асос сифатида фойдаланилди. Хусусан, ўзбек ва рус адабиётшунослари О. Шарафиддинов, У. Норматов, А. Расулов, Д. Қурононов, Қ.Йўлдошев, И.Ёқубов, М.Маҳмудов, Р.Раҳмат ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари, илмий мақолаларида илгари сурилган фикрларга таянилди. Муаллиф билан ўтказилган адабиий суҳбатлардаги ёзувчининг шахсий мулоҳазалари ўрганилиб, якуний хулосага келинди.

**Тадқиқотнинг объекти.** Битирув малакавий ишимизга Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” ҳамда “Озод” романлари асосий объект қилиб белгиланди. Ёзувчининг услубий маҳоратини ёритишда образ ва тимсоллар, психологизм, бадиий нутқ унсурларига таянилди.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Ушбу битирув малакавий ишидан келгусида муаллиф асарларининг янги ўрганилмаган томонларини тадқиқ этишда, БМИ ва рефератлар, илмий адабиий мақола ва рисолалар, услубий мажмуа, маъруза мантлари тайёрлашда, умуман, ҳали жуда кўп қирралари яширин бўлган Исажон Султон ижоди ҳамда илмий меросини ўрганишда илмий асосга эга манба сифатида фойдаланиш назарда тутилади.

**Тадқиқотнинг тузилиши.** БМИнинг таркиби қуйидагича шакллантирилди: Кириш, уч асосий бобнинг таркибидаги олти фаёл, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

# **I БОБ. Замоनावий романнависликда услуб масаласи**

## **1.1. Исажон Султоннинг “Озод” романида услуб**

Бадиий адабиётда ижодкорларнинг услуби масаласи ниҳоятда муҳим ва аҳамиятли масала ҳисобланади. Чунки ҳар қандай бадиий асарнинг умумий баҳоси ва эстетик савияси бевосита унинг ёзилиш услуби билан боғлиқ. “Услуб бадиий асарнинг умумий тони ва колорити, образ ҳосил этиш методи ва шундай қилиб, ижодий жараённинг якунлоқсчи босқичида гўё асарнинг сиртига бадиий шаклнинг ҳамма асосий ўринларида кўзга кўринарли ва сезиларли бирлик сифатида юзма-юз бўлувчи санъаткорнинг дунёни ҳис этиш принциpidир”.

Замоनावий ўзбек адабиётида ўзига хос услубга эга бўлган романлар орасида Исажон Султоннинг “Озод” романи алоҳида аҳамиятга эга. Асар мазмуни, шакли, ғояси, тили ва бадииятида янгича талқинларни кўриш мумкин. Инсоннинг руҳий-маънавий олами ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар ҳаётнинг энг долзарб, бироқ ҳар қадамда илғаб бўлмас нозик маъноларидан баҳс юритади. Адабиётшунос олим Умарали Норматов таъкидлаганидек, “Инсон, шахс жумбоғи, бу жумбоқни ечишга интилиш, инсон ҳаёти моҳиятини англашга, шахс табиати ва руҳиятини тафтиш ва таҳлил қилишга интилиш- романнинг, умуман, бадиий адабиётнинг бош вазифаси”.

Ҳар қандай бадиий асарнинг бирламчи томони унинг мазмуни ҳисобланади. Улуғ ҳинд ёзувчиси Робиндранат Тагор “Адабиётнинг мазмуни” номли мақоласида ёзувчи ўз билими ва қарашлари нуқтаи назаридан акс эттирган нарса-ҳодисалар, ҳис-туйғулар, ўй-фикрлар орқали ифодаланадиган мазмун ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради:

“Ташқи дунё бизнинг онгимизга таъсир қилиб, унда бошқа бир дунёни вужудга келтиради, бу дунё ташқи дунёдан ҳосил бўлган бўёқлар, образлар, товушлар ва бошқаларга лиқ тўла бўлиши билан бирга, бизнинг яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тушунчалар ҳам, қўрқиш ва ажабланишларимиз, қайғу ва шодликларимиз ҳам у билан чамбарчас боғлиқ, унинг турли-туман ташқи ифодаси маънавий дунёмиздаги хазинамизга боғлиқдир”.

И.Султоннинг “Озод” романи орқали ифодаланган ғоявий мазмун ҳам ёзувчининг бадиий маҳорати, эстетик дунёси ва индивидуал услубини белгилаб беради, десак адашмаган бўламиз. Қадимий ривоят асос қилиб

олинган бу асарда китобхонни ўйлашга, фикрлашга ундовчи кўплаб ҳикматли ибораларни учратишимиз мумкин. Роман сўзнинг қудрати, моҳияти, сеҳри ва жилваларига бағишланган бўлиб, унинг инсон ҳаётидаги ўрни, ҳаётнинг акси сўзда эканлиги ва айтилган сўзнинг дунёни ўзгартира олиш кучига эга эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Озод исмли бир ўсмир йигит тоғ чўққиларида ўсган бахт лоласини олиб келиш ва абадий ҳузур-ҳаловат рамзи бўлган ҳумо қушини топиш учун йўлга чиқади. Ривоятга кўра, бундай мақсадни янги ҳаёт остонасида турган, ўзини вояга етган деб ҳисобловчи ҳар бир йигит ўз олдига қўяди. Аммо кўпчилик йўлнинг қайсидир қисмида машаққатларга дош беролмай, ортларига қайтадилар. Озоднинг манзилга етиб бориши эса олдиндан башорат қилинган. Бу йўлда у жуда кўп синовларни бошидан ўтказиб, ҳар бир тегирмон чархпалагидан айланаётганида ниманингдир аксини (ҳақиқий аксини) кўриш бахтига мушарраф бўлади. Барча акслар билан танишиб, энг муқаддас зот Инсон эканлигини англагач, бошқа унсурларга ҳам мўтабарлик мақомини беради. Ўз номига лойиқ бўлиб, камолот сари қадам ташлайди. “Кўр кишининг ҳикояси” номли бобда қаҳрамон сўз ҳақида шундай дейди:

*“Аслида сўз ҳечдир. У- бағридаги маъноси туфайли ҳайбат касб этди”.*

Персонаж нутқи орқали берилган мазмун воқеалар ривожини давомиди янада ойдинлашиб боради. Ёзувчи Озодни Аҳли Сўздан Аҳли Маъни томон етаклайди. Яъни, ҳар бир айтилган сўз моддийлашади ва айтиувчининг моҳиятини белгилаб беради. Демак, сўз қайсидир нарса ёки ҳодисанинг маъноси, рамзи ёки акси. Бундай аксларни идрок этиш ёки ҳис қилиш учун эса ўқувчидан бадиий-эстетик тафаккур ва кенг дунёқараш талаб этилади. Романнинг дебочасидаги “Бағишлов” қисмида муаллиф бу асарнинг маънавий дунёларни ҳосил қилувчи инсонларга бағишланганлигини таъкидлайди. “Кўзга кўринмас муаллифнинг сўзбошиси” да эса акслар фалсафаси хусусида сўз кетади:

*“-Дунё улкан кўзгудир, ўз ҳолича сенга ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам келтирмайди. Тегрангда рўй бераётган ҳамма нарса аслида ўз фикрларинг, ҳис-туйғуларинг, истак ва тутумларингнинг аксидир...”*

Асарнинг умумий сюжетини эса қўйидаги уч боб ташкил этади: “Биринч акс”, “Иккинчи акс”, “Учинчи акс”. Ҳар бир аксда асар қаҳрамонларини қайта-қайта учратамиз ва улар ўзликлари орқали англантиб келаётган мазмун-моҳиятни тушуниб борамиз. Асардаги ҳар бир ҳикоя ўзига

хос маъно қирраларини очишга хизмат қилади, бир сўз билан айтганда, “Озод” романини “Маънолар ҳақидаги асар” дейиш мумкин. Асардаги “Бўри билан қуш” ҳикояти романда индивидуал моҳият касб этади:

*“...Бўри кичик ҳайвонларни тутиб ер, қуш эса дон-дун терар, иккиси ҳам шу тарз ризқланмоқда эдилар. Бир одам келди-да, “бу бўри ваҳший ва золим экан, қуш эса безарар” деди. Иккинчиси айтдики, “бўрига ваҳший нисбатини беришинг унинг тирик ва ҳаракатланувчи жонзотни ўлдириши боисдир, қушни безарар деганинг ҳаракатсиз ва қонсиз донни егани учунми?” деб сўради. Шунда биринчиси “мен моҳиятни англамаганим учун нодонлик қилдим”, деб узр сўради. Учинчи киши айтдики, “бўри ўзининг ваҳшийлигидан, қуш эса безарарлигидан беҳабар, фақат сиз уларга шундай маъно бермоқдасиз”. Тўртинчиси айтди: “нарсаларга маъно бериш фақат сизга хосдир. Берганингиз маъно боис сўзингиз тингланди. Аслида фақат Тангри ва унинг иродаси бор, холос. Бу ирода олдида на сиз борсиз, на мен, на бўри, на қуш...”*

Шу йўсинда ифодаланган маъно тусланишлари, беихтиёр, онг-у шууримизга чуқур сингиб кетади. Теварак-атрофимизни ўраб турган жамики мавжудот, набототу ҳайвонот, нарсаю ҳодисалар аслида турғун ва барқарор. Фақат инсонгина унга маъно бахш этади. Демакки, фақат инсонгина ҳаётнинг мазмунини, яратиларнинг қадру қийматини, дунёга келиш ва оламдан ўтишнинг, умуман, яшашнинг моҳиятини белгилайди.

*“... яъни олам бир хилда давом этмоқда, табиат ҳодисалари ўз қонуниятларидан заррача оғишмай рўй бермоқда, асл ўзгарувчи- сенсан...*

*турли-туман нарсалару ҳодисалар, жонлию жонсизлар ўз ҳолларича яшамоқдалар. Уларга маъно юклаш сенинг ихтиёрингда, берган маъноларинг боис ўзинг ҳам қиймат топасан, йўқса, ҳечсан, дейди шамол...”*

Шунингдек, асарда ўзбек миллатигагина хос бўлган қадриятлар, урф-одатлар ва тасаввуфий руҳдаги фикрларни ҳам учратиш мумкин. Ота-она ва фарзанд муносабати, отага тик боқмаслик, уни ҳурмат қилиш, онани эъзозлаш, ота-онанинг эса фарзанд учун нечоғлик жон куйдириши, ҳаттоки этагига олов сачраган аёл учун танасининг ёнаётганидан кўра йиғлаётган ўғлининг ҳолати қўрқинч эканлиги, нуридийдаси учун жонини ҳам бермоққа тайёр эканлиги ниҳоятда таъсирли тарзда ўз ифодасини топган. Шу аснода, йўлида учраган аксларни кўрган Озод тафаккурида турли хил фалсафий

руҳдаги фикрлар жўш уради, бу фикрлар орқали унинг манзили ойдинлашиб, маънолар оламининг асл аксларини илғаб боради.

*“...Лекин онангнинг иззати отангдан юз чандон улуг демоқдалар-ку? Нима учундир, ҳар нарсанинг бошида ота бўлгани ҳолда, онага янаям зиёда иззат кўрсатиш талаб қилинмоқда-ку? Ҳа, ҳақиқатан ҳам ғалати чарх бу: болага “онангни иззат қил” дейилса, онага “эгангга бўйсун” дейилмоқда, ўғил эрта бир кун улғайиб, ўзи ота бўлгани маҳал, онасига кўрсатган иззат-эҳтиромининг ўз жуфтидан қайтганига шоҳид бўлса, қиз турмуш қурганида хўжасига кўрсатган эҳтиромининг аксини боласидан кўрмоқда...”*

Аслида мақсад фақат манзилга етишда эмас, балки мана шу масофа давомидаги маъноларнинг англаниши, идрок қилинишида. Инсоннинг ҳузур-ҳаловатга, бахтга эришиши ҳам унинг маънавий руҳий камолотга етиши билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асар замирида ифодаланади.

Профессор Абдуғафур Расулов ўзининг “Акслар фалсафаси” номли мақоласида шундай ёзади:

*“... “Озод” романида ёзувчи дунёнинг юксалиши беҳуда, инсоннинг ўзининг руҳий юксалиши муҳим, деган ғояни илгари суради”.*

Турли мақсадларда ва турли хил йўсинда асарлар яратилаётган бугунги жараёнда асар ғояси энг долзарб масалалардан бири саналади. Адабиётшунос олим Тўхта Бобоев ғояга шундай таъриф берган эди:

*“Ғоя- санъат асарида қўйилган ва ёритилган масалалардан келиб чиқадиган мантиқий хулоса”.*

Ёзувчи романда илгари сураётган ғояни ўзига хос ифода йўсини орқали китобхонга тақдим этади. Асар поетикаси, хусусан, унинг сюжети, композицияси, тили, бадиий тасвир воситаларини кузатиш жараёнида ёзувчининг индивидуал услубга эга эканлигини пайқаш мумкин.

*“Ёв ҳикояси” да қуйидаги сатрлар ўқувчини ҳайратга солади:*

*“Унутиш-тамоман йўқ бўлишдир...”*

*Ана шу тарз тоғ ортида... қиёматни кутиб, гала-гала турамиз биз...”*

Асардаги ҳар бир персонаж нутқи соф адабий тилда бўлиб, уларга қуюқ маъно юкланган. Ҳар бир сўз ўз қийматига эга бўлгани ҳолда, асар ғояси,

қахрамонлар характерини очишга хизмат қилади. Донишмандлик рамзи сифатида талқин этилган шамол образи нутқига эътибор берсак, кўз олдимизда чинакам донишманд, улуғ сиймо гавдаланади:

*“Румузнинг остида ҳикмат бор,- деб жавоб берди шамол. – Сен ўша ҳикматнинг ҳам тубига боқ. Фитратингнинг пардалари остидаги яна бир парда очилса, тамомила бошқа ҳодисаларни кўра бошлайсан...”*

“Дилором ҳикояси” да эса ёридан айрилган, бироқ уни кўнглида бир илинж билан кутаётган қиз тасвирланган. Унинг ички кечинмалари, ўй-хаёллари ўзига хос тарзда, қахрамоннинг туши лавҳасида ҳикоя қилинади:

*“Либосим қорамтир...”*

*Ён-веримда қора булутлар қуюқлашади, ораларида чақмоқлар етилади. Агар шамол эссайди, яшинлар тоғу тош бағрини тилиб санчиларди, бағирларидаги сувни жала қилиб ёғдирарди...*

*Кўкнинг бир уфқи очиқ, ўша ерда улкан ой осилиб туради, агар шамол эсса, унинг майин ёғдусини ҳам сочиб-учириб кетадигандай туюлади...”*

Демак, шамол - барча муаммоларнинг ечими, кулфатлар-у ғам-андуҳларни учириб, бахт-у иқбол эшигини очувчи калит. Висол умиди билан яшаётган Дилором уни интиқлик билан кутади. Шу тарзда ифодаланган персонажлар нутқи китобхон кўз ўнгида қахрамонлар характерини ёрқин гавдалантиради ва улар билан бирга фикрлашга, ҳис қилишга, яшашга ундайди.

“Қахрамоннинг феъл-атворини унинг тили орқали очиш ёзувчидан чинакам сўз санъаткори бўлишни, адабий тил ва жонли тил бойликларидан моҳирона фойдаланишни талаб қилади”.

Демак, Исажон Султон “Озод” романи орқали китобхонларга фақат мазмундор асар тақдим этибгина қолмасдан, бадий етук, пухта ижод намунасини туҳфа етади. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги келтирилган ташбеҳни кузатайлик:

*“Шамоллар оппоқ булутлардан оппоқ сурувини бино қиларди, улар кўм-кўк осмон кенгликларида уюр-уюр чопар эдилар”.*

Бундан ташқари, мажоз, рамз, метафораларнинг ҳам ёрқин кўринишларини учратиш мумкин. Асар муқаддимасида *“Фалончи йўлга*

*чиқиб, фалон манзилга борди” деган гап дарчага ўхшайди, ундан боқсанг, ортида мен айтган нарсаларни кўра оласан. Дарча зоҳир, ортидагилар ботиндир...” дейилади.*

Ана шу дарча ортидаги ботиний рамзларни кўришга уринамиз. Шамолни юқорида донишмандлик рамзи, дедик, асардаги аёллар, умумий ҳолда, қут-барака ва насл давом этишининг рамзи, яъжуж-маъжужлар- гуноҳ рамзи, мардудлар ва муртад- гуноҳкор, лола- бахт, ҳумо қуши- тўкинлик, отлар-меҳр-оқибатнинг тимсоли эканлигини пайқаш мумкин. Озод қир этагидаги кўм-кўк майсаларга қарата *“Ассалому алайкум, эй Аҳли Маъни”* деганида ҳам аслида у майсаларга эмас, маъноларни илғаган, айтиб кетган ва ўзлари ҳам аллақачон маъноларга айланишга улгурган буюк даҳолар, чинакам истеъдод эгаларини назарда тутди. Бунга асарнинг турфа уринларидаги турли ишораларда ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин.

*“Баъзи кишилар билиб-билмай ҳикмат айтадилар. Умр оқар сувдир, деган ҳикмат донишманднинг эмас, халқнинг сўзидир. Бу ҳодисада донишманд ҳам авомга ўхшаб умрнинг сувдай оқишини кўради дейишинг хато, чунки бу ерда сув- донишманднинг ўзидир”.*

*“Кўр киши” ҳикоясида эса қаҳрамон Озодга шундай дейди: “ У бир бекнинг наъматаги эди,- деди кўр,- ҳалиям чайқалиб турган бўлса керак, ўша ёққа ўтиб қолсанг, хабар олиб қўярсан. Айтмоқчи, йўлингда бир мажнунтолни ҳам кўрасан, у оддий толлардан эмас, тинмай кўз ёши тўккани тўккан. Уларни дуо қилиб ўт, ҳар ҳолда савобга зор бўлсалар ажабмас...”*

Агар китобхон эътибор қилмаса, ёзувчи бу ерда ишора қилаётган ижодкорларни пайқамаслиги мумкин. Чайқалиб турган наъматак аслида Ойбекдан, тинмай кўз ёши тўкаётган мажнунтол эса Миртемирдан дарак беради. Шу тариқа йўл давомида Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб сиймоларини, А.Орипов, Э.Воҳидов, Ш.Раҳмон, М.Юсуф, ва яна кўплаб ижодкорлар мисраларини ва улар англаган маъноларга дуч келиш мумкин. Бу оркали адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг- “Озод” романининг бош образи, прототипи булган буюк инсоннинг адабий-танкидий карашларига ишора бордек. Асар сўнгида ҳам Озод англаб етган ҳақиқатлар эътирофи қумга кўмилиб ётган кўза тилидан қуйидаги тарзда ифода этилади:

*“Илоҳи, акрам ул-акрамин – Сен ва гуноҳкор- мен...*

*Илоҳи, чун ҳар не қилилур Сенга тақдирдур, қилғучиға қилмоқта не тадбирдур...*

*Илоҳи, қаламимға ҳамдинг рақамиға машғуллик бер ва рақамимға халойиқ кўнглига мақбуллик бер...”*

Ёзувчи айтмоқчи бўлган сўзларини Навоий тилидан айтади ва бунинг натижасида асар таъсичанлиги ва жозибаси янада ошади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзига хос мазмун ва шаклга эга бўлган бу асар нафақат муаллиф ижодига, балки замонавий ўзбек адабиётига ҳам янгича услуб, янги оҳанг, янги руҳ олиб кирди, десак муболаға эмас. Ҳаётнинг бош мезони саналмиш маънавий камолот сари дадил қадам ташлашга ундовчи бу асар инсоннинг руҳияти ва тафаккуридаги ғалаёнларни тарбиялайди ва адабиёт ихлосмандларининг эстетик тафаккурининг ўсишига хизмат қилади, дейиш мумкин.

## 1.2. “Боқий дарбадар” романида услуб ва маҳорат масаласи

“Шундай асарлар борки, улар осонликча кўнглини очмайди, ўз ўқувчисини жуда инжиқлик билан танлайди”, деб ёзади адабий танқидчиларимиздан бир Раҳимжон Раҳмат.

Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” деб ном олган романи бу фикрни чиндан ҳам исботлайди. Асарни ўқиш давомида ҳар бир ўқувчида турлича таассурот пайдо бўлади. Албатта, ҳар қандай асар мазкур хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бироқ, “Боқий дарбадар” романи ўзининг нафақат ноанъанавий сюжет композицияси, балки тарихий-афсонавий маълумотлар асосида яратилганлиги, ўз қатига улкан маъно-мазмунни сингдирганлиги боис ҳам, ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай ўқувчида яққол таассурот уйғота олмайди. Демакки, унинг мазмун-моҳиятини тушуниш, муаллиф жон куйдириб кўтараётган ғояни онгли равишда ҳис қила билиш учун ўқувчиданмаълум даражада билим ва кўникма талаб этилади.

Хўш, шу даражада “Инжиқлик”ларга эга бўлган, анчагина эътиборталаб асарда айнан қандай ғоя илгари сурилмоқда?

Аввало, романнинг номига эътибор қаратсак: “дарбадар” сўзи “йўлдан адашган, борар манзилини йўқотган кимса” деган маъноларни англатади. Асарнинг бош образларидан бири бўлган этиқдўз Муборак зотга қўл кўтаргани учун “дарбадарлик” билан жазоланади:

“Тургин ва бадар кетгин!

(“Мен-ку имилламайман, аммо сен маҳшар куни келишини узоқ кутасан...” – дейилди унга.

“... Энди сен то қиёматга қадар кр юзида бетиним дайдишга маҳкум этилдинг”, - дейилди унга.

“Ҳамда сенинг қиладиган ишинг – ҳеч нарса, ҳеч нарса, фақат ҳеч нарса”, - дейилди унга.)”

Бу тарихий ривоят орқали инсоннинг мазмунли ҳаёт кечирishi нақадар муҳим эканлиги, шу билан бир қаторда, моҳиятсиз турмуш тарзи, гарчи у боқий давм этса-да, қанчалар аянчли аҳвол касб этиши ниҳоятда гўзал

ифодасини топган. Асарнинг асосий мазмуни ҳам умрнинг ўткинчилиги, у дунё ва бу дунё орасида саросар кезаётган инсонларнинг аччиқ қисмати тўғрисидадир. Бу тўғрисида муаллифнинг ўзи қўйидаги фикрларни келтириб ўтади:

"...Бор-йўғи саксон саҳифалик кичкинагина шу роман жуда узоқ ёзилди, мен уни тахминан 1998 йилда бошлаган эдим. Муқаддас манзилларини, мақсадларини йўқотиб қўйиб, дунёда тентираб юрган одамлар дунёда кўпдай туюлар, лекин ифода учун шакл тополмас эдим. Қизиқ-да, бир этикдўз Исо алайҳиссаломга қўл кўтардию абадий яшаш деган тавқи лаънатга дучор бўлди. Барҳаётлик ҳам мусибат бўлиши мумкинлиги ҳақида сира ўйлаб кўрмаган эканман, ваҳоланки, сонсиз-саноқсиз инсонлар дунёда мангу қолиш иштиёқида елиб-югурмоқдалар".

Асарда фалсафий руҳ етакчилик қилади. Ҳар бир ҳикоят, ривоятлар ўзига хос маъно ва мазмунга, рамзий-фалсафий фикрларга тўла. Айниқса, бунини персонажлар нутқида кузатиш мумкин. "Саҳродаги карвон" деб номланган бобда чол набирасига шундай дейди:

" - Одам боласидан бошқа ҳамма бир тилда гаплашади, ўғлим, -деди оқсосқол. – Аслида, бундай сирларни қанча кўп англаганинг сайин шунча чуқур сукутга толасан. Чунки баъзибир билимлар ҳатто ҳалокатли бўлади, болам.

- Шамол ҳозир нима деяпти? – деб сўради ўғлон. Чол мийиғида жилмайиб, деди:
- Шамолми? У гапирмайди, балки қанотида билимларни ташиб юради. Керак жойига қараб керак нарсангни олаверасан..."

Этикдўз ўзининг шахсий манфаатлари, яъни "Махес" деб номланган ўлим лашкари жосуслари ундан шубҳаланмасликлари учун Муборак зотни дарвозаси ёнидан итарди. Бу билан у ўзини хавфдан ҳоли қилмоқни истади. Лекин унинг бу иши билан Яратганнинг ҳар бир бандасига фақат ва фақат Унинг ўзи жазо бера олиши, ҳукм чиқариши кераклигига имон келтирмагани исботланди. Боқий дарбадарликка маҳкум этилган этикдўз неча асрлар давомида ўз умрини саргардонликда, бесамар дайдишда ўтказгани боис, унинг учун "на ватан, на миллат, на элат, на тил қолди". Яъники, ўзлигини

йўқотиб, бу ҳаётда яшашдан, нафас олишдан мақсад не эканлигини унутди. Шу сабабдан у ҳар ерда қувғинга, инсонлар нафратига дучор:

“Бадавийлар дедилар:

- Сен бизнинг қисматимизни ўзингникига тенглаштирмагин. Бизнинг қисматимиз – шу саҳрода яшаб, Парвардигорга ибодат қилиш ва ажалимиз етганида, жонимизни ўзига топширишдир. Сен эса – Тўғри йўлни билган одамга қўл кўтарган ҳамда жазонгни шу дунёнинг ўзида олган одамсан. Нарсаларнинг яратилиши ҳақидаги ҳикматларинг аслида кераксиз, чунки ажал қай кўринишда бўлмасин, албатта, етиб келади. Ўлимнинг қаерда вақай тарзда етишининг кўпам аҳамияти йўқ – имонимизнинг бут бўлиши биз учун кифоя. Шу боис ўзингни илмли ва ҳатто, Пайғамбарларга бериладиган ҳикмат эгаси қилиб кўрсатмагин. Тургин ва бадар кетгин!”

Этиқдўз қаҳрамони жаҳон адабиётида кенг тарқалган, Агасфер номи билан машҳур бўлган афсонавий тимсолдир. Унинг Муборак зот бўлмиш Исо алайҳиссаломга қўл кўтариши ва бунинг эвазига боқий умр кечириши ҳам сайёр сюжет ҳисобланади. Бу тўғрисида олим ва таржимон Маҳкам Маҳмудовнинг қуйидаги маълумотлари билан танишиб ўтиш аҳамиятлидир:

“Инжил”да келган, Исо Масих ҳаётига алоқадор, қиёматгача ўлмайд, доимо дунёда кезиб юрувчи одам ҳақида француз адиби Эжен Сю, рус адиби Вячеслав Иванов, аргентиналик модернист Хорхе Луис Борхес, ўзбек адиби Исажон Султон ёзган асарлари ҳам мутлақо бир-бирига ўхшамайди. Бу мавзу энг юксак бадиий савияда ёритилган асарлар Эжен Сюнинг тўрт жилдлик “Агасфер” романи, Луис Борхеснинг “Ўлмайдиган одам” ҳикоясидир. Иккала ижодкор ҳам “Библия” ривояти сюжетидан фойдалангани ҳолда, жуда муҳим умуминсоний ва сирли муаммоларни ёритадилар. Эжен Сю романида халқаро иезуитлар мафияси софдил, гўзал қалбли, олижаноб инсонларни алдаб, азоблаб, мол-мулкларини тортиб олиши, аммо илоҳий кучлар бу инсонларга ёрдамга келиши тасвирланади. Луис Борхес ҳикоясида ҳам “Инжил” нозил этилмаган, янада қадимги йилларда яшаган Гомернинг миллион йиллардан сўнг инсонлар яна ақлидан айрилиб, ёввойилашган келгуси ярим одамлар орасига тушиб қолиши аллегория, тимсол, фантазия бадиий суратда ёритилган. Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романини ижобий маънода Чингиз Айтматовнинг “Кассандра тамғаси” асарига қиёслаш мумкин. Унда ер юзида глобаллашув, юксак технологиялар маънавий

қашшоқликни келтиришига қарши бўлган сирли, илоҳий кучлар тасвирланади...”

Демак, “Боқий дарбадар” романи инсон руҳияти ва маънавий оламининг туб илдизлари ҳақидаги ўзига хос асардир. Турли макон ва замонда содир этилувчи, ранг-баранг қаҳрамонлар тақдиридан ҳикоя қилувчи мазкур асарнинг ягона бирлаштириб турган нуқтаси ҳам айна инсоннинг руҳий покланиши ва имон-эътиқодининг улуғланишидир. Бунинг йўли эса машаққатли меҳнат ва изланишларни талаб этади инсондан. Романнинг моҳияти тўғрисида Профессор Қозоқбой Йўлдош шундай дейди:

“Роман билан танишган ўқирманда, дастлаб асарнинг сюжет чизиғидаги етакчи йўналишлар, тимсолларнинг истак-уринишлари тасвири Чингиз Айтматовнинг Авдий ва Филофей каби қаҳрамонлари тутумларига ўхшаб кетади деган ўй келади. Лекин романдан келиб чиқадиган маъноларни чуқур идрок этиш натижасида киши Исажон Султон масаланинг моҳиятини исломий назар билан тўғри англаганини ҳис этади. Буюк иродага бўйсунган инсоннинг инсоф, имон ва эзгулиги бош қаҳрамон бўлган ушбу асарда руҳий тадқиқлардан кўра воқеалар тасвири етакчилик қилгандай туюлсада, воқеалар маконда эмас, ўқирманнинг қалби ва шуурида кечгани учун асар индивиднинг эпоси бўлмиш роман талабига тўла жавоб беради

...Бу асар ҳар бир одам ва бутун башариятга қилинган огоҳлантириш, одамзодни ёвузлик ва ўз кучига ортиқча баҳо беришдан қайтаришга бўлган бир бадиий даъват десак, муболаға бўлмайди. Профессор Дилмурод Қуронов ва шоир Раҳимжон Раҳматнинг “Боқий дарбадар” асари ҳақидаги мақолаларида асарга муайян ижодий тажрибанинг маҳсули сифатида қараш сезилади. Бизнингча, ёзувчи романда тасвирланиши лозим бўлган шахслар, уларнинг тақдирлари ва ҳолатларини шунчалар яққол ҳис қилганки, асар ўз шакли билан дунёга келган...”

Ҳақиқатдан ҳам, романдаги турфа ривоятларда исломий руҳ, имон-эътиқод туйғулари етакчи ўрин эгаллайди. Шу ўринда, Гобидаги инсон такомилли марказида илмий изланишлар олиб бораётган Генетика мутахассиси Георг Мендел, Профессор Зиёлар ҳам ўз тадқиқотлари натижасининг қанчалар гуноҳ тусини олиб бораётганлигини англасалар-да, лекин бу йўлдан қайтмай, ўз мақсадлари йўлида “собитқадам” турадилар. Неча юзлаб ақли ноқис, ногирон одамларни яратадилар. Бу геномларнинг ҳар қайсисида қандайдир нуқсон бор: бири кўр, иккинчиси суюқлари

эгилювчан, лекин вужуди бундай эгилювчанлик учун етарли миқдорда суюқлик етказиб бера олмагани учун ҳам ҳалокатга дучор этилади. Яна бир геномнинг умри эса барҳаёт, лекин унда ақл нишонаси йўқ. Георг Мендел бу ҳақида анжуман иштирокчиларига очиқ-ойдин шундай дейди:

“ – Ўтган йигирма йил мобайнидаги изланишлар натижасида мингдан зиёд мана шундай жонзотлар дунёга келтирилди, - деб давом этди олим. – Кўриб турганингиздек, муваффақиятлар билан енгилишларнисбати теппа-тенг. Сирасини айтганда, ақл даражаси бугунги кун одамиданбир неча баравар юксак ва мангу умр кўрадиган одам яратиш фикри шу қадар жозибадорки, бу кўрганларингиз мажруҳларнинг ва ноқисларнинг дунёга келтирилишининг гуноҳу савоби ҳақида ўйлаб кўришга на вақт бор, на истак...”

Ва ниҳоят, орзу этилган мукамал геном ҳам дунё юзини кўради. Бироқ у атрофни синчиклаб кузатиб, ўрганиб чиққандан сўнг онгида шундай савол пайдо бўлади:

“Мен кимман?”

“Отим нима?”

Уни ким ва нима мақсадда яратганлигини, умуман, бу оламини, унинг тартиб-қоидалари, наботот ва ҳайвонот олами, инсонларнинг яратувчиси ким эканлигини қидиришга уринади. Бу йўлда у инсон такомили марказидан қочиб, умридан маъно излашга тутинади...

Демак, у ҳам ривоятлардаги боқий дарбадарликка маҳкум қилинган этикдўзни эслатади ўқувчига. Негаки, унинг ҳам ҳаёт тарзи “бесамар дайдиш”дан иборат, унинг учун ҳам на ватан, на миллат, на тил ва на элат бор. Унинг қиладиган иши эса “ҳеч нарса, ҳеч нарса, фақат ҳеч нарса!”

Асар тили ҳам ўзига хос тарзда ифода этилган. Ёзувчи романда замонавий ва илмий терминлар, географик номлар, чет тилдаги мулоқотлардан фойдаланган ҳолда ўқувчини янада диққатли ва зукко бўлишини талаб этади. “Boeng 787 dreamliner, Пи-Ар, эвтаназия, клонлаштириш, геном” ва ҳк.лар шулар жумласидандир.

“Эпик асарда макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисалар тасвирланади”. Шунингдек, романлар ҳам бундай хусусиятдан мустасно эмас. “Боқий дарбадар” романини мутолаа қилар эканмиз, воқеа-ҳодисаларнинг қайси макон вазамонда кечаётганини тушуниш бироз қийин кечади. Этикдўз,

бадавийлар, лўлилар карвони, тиёншон ғорида истиқомат қилувчи авлиё ҳақидаги ҳикоялар тарихий замонларда содир этилган бўлса, инсон такомилли маркази, “Boeng 787 dreamliner” учоғидаги эврилишлар, тўфон воқеалари айна бугунги кун ҳолатини акс эттиради. Лекин ҳар иккала макон ва замонда ҳам бир-бирини такрорловчи ва узвий боғланган ғоялар асарнинг ўқимишлилигини оширади. Қадимда инсонлар онгини банд этган Аллоҳни унутмаслик, агар унутилган тақдирда бунинг оқибати, шубҳасиз, муқаррар жазо эканлиги, охиратни кутиш тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, вақт ўтгани сари такомиллашиб бораётган, инсоннинг манфаатларини қондиришга хизмат қилувчи цивилизация, технологиялар одамларга қулайликлар туғдириши билан бир қаторда, лоқайдлик, дангасалик, ва энг муҳими, Худони эсдан чиқариш каби ҳолатларга олиб келмоқда. Шу ўринда Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” китобига сўнгсўз ёзган адабиётшунос олим Раҳимжон Раҳматнинг қуйидаги фикрлари аҳамиятли:

“Олимларнинг эътироф этишларича, ҳозирги кунда инсон ДНК си жуда фаол, тез суръатда ўзгариб, икки бурмалидан ўн икки бурмали кўринишга ўтаётир. Келажакда ер юзида икки бурмали ДНК га эга инсон қолмайди,- дейишмоқда олимлар. Бу дегани – Худо томонидан яратилган ҳозирги инсон бутунлай йўқолиб, бошқа бир жонзот пайдо бўлади...

Исажонни "Боқий дарбадар" асарини ёзишга тўртки берган туйғу айнан қиёматни фавқулодда кучли сезиш, бу дунё қадриятларининг қиёмат деган улкан тегирмонда янчилишини равон ва жонли ҳис этишдир. Худди мана шу туйғу "Боқий дарбадар" асарининг дастлабки асосидир. Инсон чалаётган ҳаёт деган куйда дарбадарлик оҳанглари устун эканлигини англайди ёзувчи”.

Бу аччиқ ҳақиқатдан, афсуски, кўз юмиб бўлмайди. Асар эса шундай “буюк” гуноҳга ботган персонажлар, жумладан, Инсон такомилли маркази олимлари, геномни қидираётган махсус ҳарбий учоқлар, лўлилар карвони ва бошқа хил турдаги жонзотлар Худонинг қаҳрига учраб, бўрон орқали қум остига сингиб кетадилар. Муаллифнинг барча “дарбадар”ларга бундай жазо беришида ҳам бир ҳикмат бор. Зеро, улар кўтарилаётган кучли шамол орқали Аллоҳнинг ғазабини ҳис қила олсин, ҳар доим сокин турган қум зарралари орасида улар ҳам ўз мувозанатини сақлашни ўргансин!

“Жабрланувчилар” орасида Профессор Зиё ҳам бор эди. Гарчи унинг сўнги вақтларда дилида иймон уйғонган, айниқса, ўғлининг ҳаёт ва умрнинг

моҳиятини тушунишга уринган ёрқин ва фалсафий мушоҳадалар ила битилган мактубини ўқигандан сўнг қалбида тушунарсиз ғалаён, кучли исён авж олган эса-да, бўроннинг вазоҳатли зарбаларига дош беролмайди. Бунинг сабаби эса қаҳрамон виждонининг ўйқоқлигида! Демак, у ўзини жазога лойиқ деб билди. Бўрон яқинлашган чоғда юраги дир-дир титраса-да, руҳи собит, бу эса унинг эътиқодидан дарак берарди.

Хулоса қилиб айтганда, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи ўқувчига нафақат эстетик завқ бағишлайди, ҳисларини тарбиялайди, балки унинг онгу тафаккурини ҳам юксак маънавий илмлар ва мушоҳадалар билан тўйинтиради ва умуминсоний тўйғулардан огоҳ этади. Энг муҳими, китобхонни фикрлашга, изланишга, қалб ва тафаккурини ўйғунлаштирган ҳолда ўз ҳаётининг моҳиятини кашф этишга ундайди.

## II БОБ. Замонавий романларда образлилик

### 2.1. “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи

Адабиёт-чексиз уммон. Унинг қаърига шўнғиганингиз сари янги-янги дуру марваридларни кашф этаверасиз.

«Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудрати оғир саноатнинг қанчалик ривожланганига қараб белгиланганидек, ҳар қандай миллий адабиётнинг инсоният эстетик тафаккурига қўшган ҳиссаси ҳам ундаги романчиликнинг салмоғи билан тайин этилади. Чунки роман миллат бадиий тафаккурининг тараққиёт даражасини намоён этади».

Дарҳақиқат, юртимиз мустакиллик йилларида ҳаётнинг турли жабҳаларида кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Шу қаторда адабиёт соҳасидаги изланишларни эътироф этмаслик мумкин эмас. Замонавий руҳга эга бўлган, инсон руҳиятининг бетакрор жилваларига бағишланган турфа романлар ўзбек адабиётида катта ҳодиса бўлди. Бу асарлар орасида Исажон Султон қаламига мансуб “Боқий дарбадар” романи ўзига хос аҳамиятга эга. Жуда ихчам ҳажмга эга бўлган бу асарда ёзувчи китобхонларга умрнинг моҳияти, инсон ҳаётининг бесамар ўтиши нақадар оғир ва аянчли эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Тафаккур ва қалб бирлашиб, руҳиятни озиқлантириши, ҳар қадамда уни мазмун билан тўйинтириши лозимлиги уқтирилади. Мазмунлар эса турфа. Кимдир ҳаётининг бош мезони сифатида “дарбадарлик”ни касб этса, кимдир ўз нафсининг эҳтиёжларини қондириш учун яшайди. Яна кимдир бу дунёнинг издан чиққан ғалаёнлари аро виждон азоби-ю оғриқли саволлар ичра бедор.

Асар руҳидаги исломий–фалсафий ғоялар ҳам, беихтиёр, ўқувчини ўйга толдиради, мақсадлар, манзиллар, маънолар тўғрисида мушоҳада қилмоққа чорлайди.

“Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” асари ўзбек романчилигида алоҳида воқеа бўлди. У инсон интеллекти, одамийлиги ва ёвузлиги имкониятлари ҳақидаги фалсафий-рамзий романдир. Романда одамзод пайдо бўлгандан буён унинг маънавиятини кемириб, тириклигида азобларга гирифтор қилиб ўлгач, дўзах оловида куйишига сабаб бўлаётган манфаатпарастлик, қаноатсизлик ва нафс аталмиш иллатлар етовида кимсаларнинг қисмати акс эттирилган...”

Ёзувчи асар мазмунини очиб бериш учун ўзига хос образ ва персонажлардан моҳирона фойдаланади ва уларни ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантиради. Романда этикдўз, саҳродаги чол ва набира, Тиёншон бағридаги ғорда истиқомат қилувчи авлиё, профессор Зиё, генетика мутахассиси Георг Мендел, сунъий урчитилган барҳаёт жонзот, ўғил ( Зиёнинг фарзанди) каби бир қатор такрорланмас қаҳрамонларни учратиш мумкин. Улар орасида асарнинг бош ғоясини ўз елкасида олиб юрган, роман сарлавҳасига ҳам асос бўлган боқий дарбадар – этикдўз образининг яратилиш тарихи ва талқини тўғрисида сўз юритсак.

Жаҳон адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган мазкур қаҳрамон “Агасфер” номи билан юритилади. Унинг боқий ҳаёт кечирishi тўғрисидаги дунёнинг турли мамлакатларида яратилган турфа асарлар китобхонлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган.

“ ... У швед ёзувчиси Нобель мукофотининг лауреати Пер Лагерквист асарларида икки марта намоён бўлади : “ Сивилла ” (1956) ва “ Агасфернинг ўлими” (1960).

Француз адабиётининг бир қатор асарлари шу тимсол атрофида айланаверади. Улар – Гиём Аполлинернинг “Ересиарх ва К.” тўпламидан ўрин олган “Прага ўткинчиси” асари (1910), Ромен Гарининг “Чингизхоннинг рақси” (Ла дансе де Генгис Сохн, 1967 ), ва Жан д’Ормессонинг “Боқий дарбадарларнинг тарихи”(1991) асарларидир. О. Генрининг “Тиним билмаган эшик” ҳикоясида маст этикдўз Майк О’Бадер маҳаллий газета редакциясига келиб, ўзининг ўша, хочга михлаш учун олиб кетилаётган Исо пайғамбарнинг деворига суюнишига изн бермаган ва айби учун унинг иккинчи қайта дунёга келишига қадар дайдишга ҳукм қилинган қуддуслик Майкоб Адер деган этикдўз эканини айтади. Лотин Америкаси ёзувчилари орасида бу образга аргентиналик Мануэл Мухике Лаинес ва Хорхе Луис Борхес “Мангу” новелласида мурожаат қиладилар. Бу образга колумбиялик ёзувчи Габриел Гарсиа Маркес “Шанбадан кейинги кун”(1955), “Катта онанинг жанозаси” (1962), “Ёлғизликнинг юз йили” (1967) асарларида бир неча марта мурожаат қилади ... ”

Агасфер образи XXI аср адабиётида ҳам ўзига хос асарлар яратилишига туртки бўлди. Чунончи, испан ёзувчиси Сесар Видал Мансаранес 2008 йилда у тўғрисида “Боқий жухуд” романини ёзди. 2011 йилда ўзбек адабиётида

дунёга келган “Боқий дарбадар” романи ҳам бу норасмий анъананинг бетакрор давоми бўлди.

Асар оломон тўпланган шаҳар, халқ томонидан “Махес” деб ном олган ўлим лашкарининг бир Муборак кишини қатл учун олиб кетаётганлиги тасвири билан бошланади.

“Теварақдаги оломон “Қани сенинг худойинг? Нега у сенга мадад бермаяпти?” дея қичқирар ва кулар эди. Кулаётган бу бадбахт оломон орасида бир этиқдўз ҳам бор эди...”

Бойлар ва камбағаллар, чўрилар ва қуллар хадсиз бўлган бу замонда этиқдўз ўртамиёна, на бой, на камбағал, теварақдагилар учун ўта хасис, бировга фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган, қатъий ҳисоб – китоб билан умр кечирувчи инсон эди. У ўн ёшида бир Ҳазрат билан учрашади ва унга қандай қисмат рўбарў келишидан огоҳлантирилади. Яъни, у боқий умр кечириш қисмати эди. Юқорида айтиб ўтилган, “Махес” лашкари олиб кетаётган Муборак кишига қўл кўтарганлиги боис у шундай жазога маҳкум этилади. Вақт ўтиши билан ундан ҳамма юз ўгиради ва уни шаҳардан ҳайдаб чиқарадилар. Йиллар ўтгани сари унинг ҳаётида ҳеч қандай маъно қолмайди. Унинг учун на ватан, на миллат, на тил қолди. Фақат ҳаёти бесамар дайдишдан иборат.

“Дедилар :

- Иблис алайҳиллаъна Парвардигоримизнинг синови эканини яхши биламиз. Сенинг қисматингдан ҳикмат нима?

Деди:

- Қанчалар узоқ умр берилса-да, бу оламдаги ҳамма нарса кун келиб совурилиб, йўқ бўлиб кетишининг тирик гувоҳи бўлишим менинг ҳикматимдир.

(Айтадиларки, у ана шундай деб ёлғон гапирарди. Ёлғонига ўзи ҳам ишонмаса-да, Тангрига яқинроқ бир банданинг шафоатидан умидвор эди. Бироқ кўп йиллик бу умидворлигининг сахродаги шу қум зарралари каби совурилиб кетишини ҳам яхши биларди.

У ибодат қилар эди, аммо ибодатининг қабул бўлмаслигини ҳам билар эди... )”

Инсон ҳаётининг нақадар аянч ҳолга келиши этиқдўз тимсолида шунчалар таъсирчан ифода этилганки, китобхон беихтиёр, умрнинг моҳияти, бесамар ўтаётган ҳар бир дақиқанинг қийматини идрок этишга уринади. Покиза иймон ва соф виждон билан яшаш инсондан қанчалик машаққат талаб этса-да, пировард натижада, кўнгил ва рухнинг хотиржамлигига эришиш мумкин. Акс ҳолатда эса, қум зарралари каби совурилиб кетаётган ҳаёт нуқталарига кўзимиз тушиши ҳеч гап эмас.

Шундай бўлса-да, этиқдўз бир умид билан яшайди. Фикри теран, авлиё даражасига етган инсонлар билан суҳбат қуради, фалсафий мавзуларда фикр алмашади. Тиёншон бағридаги ғорда истиқомат қилувчи авлиё билан учрашганда шундай сўзларни айтади:

“- Унинг наздида қадр-у қиймат топган бандаларидан бири эканлигинга, оддий кишиларга билдирмаган сирларидан ўзи хоҳлаганларини сенга билдирганига шак-шубҳа йўқ. Бироқ, менинг ким эканимни нега пинҳон тутганини англаб етолмадим. Унинг бу иродасида яхшилик борлиги аниқ-равшан, шояд менга ҳам бир хайр етса деб умид қиламан...”

Персонаж нутқи орқали очиб берилган руҳий манзара китобхонни ҳам, беихтиёр, этиқдўзга ҳамдard, қалбан яқин қилиб қўяди. Қилган ишидан пушаймон, изтироб ва надоматлар исканжасида ҳам кўнглида бир ёруғлик билан яшаётган бу қаҳрамон ўз ҳаётидаги маънисизликдан ҳам бир маъно кутади.

Шу ўринда ёш адабиётшунос олимларимиздан Саъдулло Қуроноунинг қўйидаги фикрлари аҳамиятли:

“Агар ғарб постмодернизми оламни бемаъни дея ҳукм чиқарса, Исажон Султон романида шу маънисиздек кўринаётган дунёда дарбадарликдан қочиш кераклиги ғояси олға сурилади. Аниқроғи, роман қаҳрамонлари ўз мавжудлигидаги ҳақиқатни турли йўллардан қидираркан, муаллиф аниқ бир ҳукм, Идеал кўрсатишга ожиз эканлигини яширмайди, лекин унинг қаҳрамонлари ана шу Идеални қидиришдан чарчамайди”.

Воқеалар ривожини, суҳбатлар орқали этиқдўз характерининг шаклланиб боришига гувоҳ бўламиз. “Агар образни ёнғоққа қиёсласак, характер шу ёнғоқнинг мағзидир”. Асар бошида худбин, зиқна, ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай қабиҳликларга тайёр бўлган қаҳрамоннинг йиллар давомида

шаклланишига, бесамар дайдишга ҳукм қилинган инсоннинг йўқликдан борлиқни топишга уриниши, ҳаёт ва инсоният билан курашиб бўлса-да, ўзлигини топиш учун қилган саъй-ҳаракатлари унинг собит иродаси ва матонатидан дарак бериб туради. Қаҳрамон ўзи идрок қила олмаган, тафаккур ва руҳият қатламлари учун жумбоқ бўлган масалаларни ечишга, тушунишга уринади. Шояд, жазодан фориг бўлса, дарбадарликдан озод бўлсаю, барча инсонлар каби хотиржам кўз юмса.

“Характер, биринчи навбатда конкрет ҳаётий шароитда ўз индивидуал хатти-ҳаракатлари ва руҳий кечинмалари билан намоён бўладиган инсоннинг аниқ тасвиридир”.

Дарҳақиқат, этикдўз образининг индивидуаллигини, унинг атрофидаги инсонларга нисбатан, ҳатто борлиқ, бутун яратилганларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга, белгиларга эга эканлигини кузатамиз.

“Узун бўйли, сочлари елкасига тушган” этикдўз у ҳақида яратилган пьесада иштирок этади ва уни маломат қилган халққа қарата жўшиб сўзлайди:

“... Сиз Тангримнинг ўзи яратган барча неъматларига яна бир чалғитувчи нарсани ўраб қўйганини кўрмаяпсизми? Нарсалару ходисиларни, сабабларнию натижаларни, шубҳалару ҳақиқатларни бир-бирига чирмаштириб ташлаганини кўрмаяпсизми? Ҳамма нарсаси ғорат бўлиб кетадиган бу дунёга вужуди фоний, аммо руҳи боқий инсонни юбориши билан абадиятни ҳам ўраб олганини, Унинг абадиятдан-да юксак эканинию, ҳатто мангулик ҳам унинг махлуқи эканини кўрмаяпсизми?”

...Тангрим ўзининг мутлақ адолати билан кимларнидир бутун инсониятга яхшилик ва тўғрилиқ рамзи қилиб қўйган бўлса, мен Олий Ҳақиқатга қўл кўтарганларнинг рамзидан...”

Пьеса муаллифи, астролог Гвидо Бонатти қаҳрамоннинг бу сўзларини эшитиб ҳайратда қолади. Чунки ушбу монолог пьеса матнида йўқ эди. Бонатти бу ҳақиқий этикдўз эканлигин англайди, бироқ боёнлар, уни олқишлаётган томошабинлар олдида буни тан олгиси келмайди, шу вақт унинг ақли ҳам сахна чироғи каби ўчади ва у мастлик зулматига тамомила шўнғиб кетади. Яъни, уни этикдўзнинг оташин ва пурмаъно нутқи сархуш қилади.

Қачонлардир инсониятнинг тавқи лаънатига учраган, қисматнинг ҳам энг мудхиш жазосига дучор бўлган этикдўз энди ҳатто зиёлиларнинг ҳам ақлини шошириб қўйган, барчани ҳайратга солган, тафаккури кенг, иродаси мустаҳкам шахсга айланди. Бироқ, бу каби сифатлар ҳам этикдўзнинг тавқи лаънатдан мосуво бўлишига ёрдам бермайди. Ҳаттоки, ер юзини, уммонлару саҳроларни қўпориб юборган, бирор тирик жонни омон қолдирмаган илоҳий бўрон ҳам уни йўқ қила олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи учун бош қаҳрамон сифатида олинган этикдўз образи, нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти ихлосмандлари учун ҳам таниш образ бўлиб, у бутун инсоният учун тааллуқли бўлган маънавият, руҳий баркамоллик ва эстетик Идеални қидираётган, камолот манзиллари сари қадам ташлаётган образ сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Шу билан бир қаторда, қаҳрамоннинг ўзига хос характери ва асардаги бошқа персонажлар билан ўзаро алоқаси муаллиф томонидан психологик ва фалсафий тарзда моҳирона тасвирланган. Бу эса ўз навбатида, нафақат, бадиий асар қимматининг, балки китобхонлар савиясининг ҳам бир даражада юқорилашига туртки бўлади.

## **2.2. Замонавий романларда персонажлар талқини**

Эпик асарлар моҳиятини очишда оригинал персонажларнинг тасвирланиши катта аҳамиятга эга. Шунингдек, романларда акс эттирилаётган қаҳрамонлар ва характерлар ранг-баранглиги асар қимматини белгилайди. Замонавий ўзбек романларида яратилаётган персонажлар орасида бошқаларидан тубдан фарқ қилувчи, китобхон кўз ўнгида абадий муҳрланиб, унинг дарддоши ва пинҳоний йўлдошига айланиб бораётган, чинакам маҳорат билан ишланган образларни учратишимиз мумкин. Бундай образларни яратиш, шубҳасиз, осон кечувчи жараён эмас. Чунки ҳар қандай қаҳрамон, у бош қаҳрамон бўладими ёхуд эпизодик, унинг зиммасида асар бадииятини очишдаги маълум бир юк, вазифа туради. Персонаж ҳақида сўз юритганда, жаҳон адабиётининг машҳур вакилларида бири Александр Гениснинг қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир:

“Персонаж – хаос дунёсидаги тартибли водийдир. Персонаж дунёсида тасодифларга ўрин бўлмаслиги керак. Бундаги ҳар бир чехра ўрнига тушган бўлмоғи шарт. Муаллифнинг бадиий ниятига бўйсунган ҳолда у комил

ишонч билан асарда ўз ўрнини эгаллайди. Персонажда ҳамиша мақсад бор ва у ҳамиша бирор ролни бажаради. Инсон ҳақида ҳам, муаллиф ҳақида ҳам бу гапни айта олмайсиз. Айлананинг квадратини чиқариб бўлмагандай, ёзувчи ҳам ҳеч қачон тўлалигича ўз адабиётига сингиб кета олмайди”

Бундан кўринадики, персонажни яратаётган ижодкор уни тўлалигича ўз ҳаётидан олмайди ва аксинча, қаҳрамонни фақат тўқима йўли билан ҳам дунёга келтириш мумкин эмас. Исажон Султоннинг “Озод” ва “Боқий дарбадар” романлари қаҳрамонларига назар ташлар эканмиз, уларнинг ўзига хос ҳаётий ва ҳаёлий дунёларига кириб борамиз.

“Озод” романи бош қаҳрамони Озод чин маънода навқирон ўзбек йигити ва унга хос бўлган жиҳатларни ўзида мужассам этган персонаж. Вафо, садоқат, севги, мардлик, камтаринлик, донолик, ҳурфикрлилик ва ўз йўлида собитқадамлик унинг мақсад сари олға интилишига, ҳаётнинг моҳияти-ю, умрнинг баҳосини англашига кўмак беради. У йўлида учраган турфа синовлар, маънолар фалсафасини ўзича идрок этиб, маънавий ва рухий дунёсини, ботинини тўйинтира олган, камолот сари қадам ташлаётган персонаж сифатида талқин этилади. Воқеалар ривожини ривоят асосига қурилган бўлса-да, бош қаҳрамоннинг бошидан кечирган саргузаштлари, унинг тафаккурида пайдо бўлган кенгликлар ҳар қандай китобхон учун ўрнак бўла олади. Муаллиф эса буни ҳар бир ўғлоннинг вояга етган шамойили, дея кўрсатади:

“...Элнинг улуғлари Озоднинг толе қушини топганини эшитганларида, мийиғида кулимсираб, бош ирғаб кўядилар. Ҳайратланмасликларидан, бу ҳақиқатни аввалдан билармидилар деган ўй келади ҳаёлга. Ажабо, билсалар, у маънолардан нега хабар бермадилар? Нега сукут сақладилар? Балки, элнинг битта ўғлони шу тарз камолга етиб, бир рўзғорнинг бошига келишга тайёр бўлганидан қониқиш ҳосил қилгандирлар?”

Ҳа, элнинг битта ўғлони ана шундай вояга етади...”

Турфа рамзларга тўла бу асарда ҳар бир қаҳрамон, ҳаттоки ҳар битта детал ҳам маълум бир мазмунни ўзига жамлайди, Озод эса улар қатидаги акслардан огоҳ бўлиб боради. Озод қаҳрамонининг ички дунёси ва маънавий олами ҳақида адабиётшунос олим Ислоҳ Ёкубов шундай дейди:

"Озод зоҳиран жўн туюлувчи табиат ҳодисаларининг ботинини кўради. Оддий одам эшитиши маҳол бўлган турфа товушларни тинглайди. Дастлаб унинг фикру шуурида барча аждодларимиз ҳам ўз қисматига пешвоз боришган эмасмиди? Эҳтимол, шу боис ҳам улар табиатида итоаткорлик,

жафокашлик, ҳалимлик, шукроналик, қаноат туйғулари шаклланмадимикин? Кишини эзувчи меҳнатдан қутилиш чораси борми? Тақдирни ўзгартириш имкони-чи? Бағри қон қизғалдоқлару майса-кўкатлар нега баҳорга талпинишади, бу ҳам эртадан умидворлик орзуси эмасмикин? Буларнинг барчасида қандай маъно яширин, умуман, одам боласи дунёга нима учун келади?- қабилидаги саволлар шодаси чарх уради".

Асар давомида Озодга йўлдош бўлган, унга кўплаб сир-у синоатларни кашф этиши учун энг катта кўмакдош бўлган қаҳрамон – бу шамол образидир. Уни юқорида донишмандлик рамзи ҳам деб атадик. Чиндан ҳам бутун бошли роман давомида ҳар бир хилқатнинг калитини Озод учун тайёрлаб турган, бироқ бош қаҳрамоннинг сўнгги муроди ҳосил бўлганида унга бўйинсунган, бир қараганда нуроний отахонни эслатувчи бу қаҳрамон чинакам оригинал образдир. Бу персонажнинг энг кўзга ташланадиган жиҳати, шубҳасиз, унинг нутқидир. Сўзнинг қудрати тўғрисида ҳикоя қилувчи мазкур романда ҳар бир жумла, ҳар бир ибора ва сўз ўз ўрнида маҳорат билан ифодаланган. Мулки фанога кўнгил берган ғофил бандаларга қараб ўксиган шамол Озодга шундай нола қилади:

“ - Ер юзидаги энг муборак зотнинг қилмишларини кўряпсанми? Бутун махлуқот сажда қилган муқаррамнинг ҳолини кўрясанми! Биргина сўз эди! – деб ҳайқирарди шамол. – Биргина сўз билан тошу тупроқ, макону замон ўзгариб кетарди. Биргина сўз билан оломон ўзгарарди, биргина сўз билан бу бадбахтлар бошқа мартаба касб этган бўлардилар! Тошу тупроқ деб ҳалок бўлиб кетган миллионлаб кишилар биргина сўз билан шаҳид бўлардилар, ер тишлаб ётган саноксиз одамлар биргина сўз билан Унинг наздида мубораклик касб этган бўлардилар! Бутун бу олам шу сўз учун яратилган эди! У сўз бўлмасайди, бу дунё яратилмаган бўлар эди. Шу қадар азиз, шу қадар муқаррам бу бадбахтларнинг қилмишларини кўр, эй одам боласи!..”

Инсониятнинг бундай аянч аҳволга тушишидан, унинг ўз даражасида ҳаракатланмаётганидан ҳаттоки шамол ҳам забун ҳолатга келади. Унинг жон куйдириб айтаётган сўзлари, албатта, ҳар бир китобхон қалбида чуқур таассурот уйғотади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, шамол образи Исажон Султоннинг нафақат “Озод” романида, балки бошқа бир қатор асарларида ҳам етакчи қаҳрамон сифатида гавдаланади. Гўёки бу образ муаллифнинг маслакдоши ёхуд асарга ёзувчининг дунёқарашини олиб қираётган тимсолдир.

Профессор, адабиётшунос Абдуғафур Расулов Исажон Султоннинг "Озод" тўпламидаги роман ва ҳикояларни таҳлил этар экан, муаллифнинг

табиат ҳодисалари, турфа мавжудотларга маъно юклашини юксак баҳолайди: "Исажон Султон асарларида шамол - ёзувчи имкониятидаги туганмас поэтик имконият. Яратилажак тимсоллар мояси. Ёзувчи нафақат шамол, бўрон, тўфонни, ўрни-ўрни билан ҳашорату ҳайвонотни, парранда-ю парку булутни, капалаклар, ниначиларни тасвирлайди. Уларнинг ҳар бири маъно қати, рамзи сифатида акс эта бошлайди. Хуллас, постмодернистик асарда ҳамма нарса ўз ўрнида бетакрор тимсол вазифасини ўтайди".

Шунингдек, ёзувчининг "Боқий дарбадар" романида ҳам бир қатор ўзига хос қаҳрамонларни учратишимиз мумкин. Этикдўз, Профессор Зиё, генетика мутахассиси Георг Мендел, ўғил, мукамал геном ва яна бир қатор такрорланмас образлар шулар жумласидандир. Этикдўз образининг яратилиш тарихи ва талқини ҳақида сўз юритган эдик. Унинг жаҳон адабиётидаги ўрни ва афсонавий тимсолнинг миллий қиёфасини бироз кашф этишга уриндик. Энди эса айти мана шу романдаги қолган қаҳрамонлар ҳақида сўз юритсак.

Генетика мутахассиси Георг Мендел образи ҳам ёзувчи томонидан маҳорат билан яратилган персонаждир. Бу қаҳрамон асар давомида фақат бир марта намоён бўлсада, унинг ички дунёси ва руҳияти, ҳис-туйғулари, беихтиёр, ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Умрининг қирқ йилини айти шу фанга бағишлаган, мавжудотларнинг ген ўрамлари қаршисида соатлаб ўйга ботган олимнинг онг-у шуурида доимо бир савол кўндаланг турар эди:

"Яратган Парвардигоримнинг низомини бузишга уриниб, хато қилмаяпманми?"

Бундан англашиладики, ўз илмий тажрибаларининг нечоғли даҳшат ва ҳайбатли эканлигини тушунган олим умри давомида виждон азоби ва оғриқли саволлар ичра яшайди. Бироқ уни йўлидан қайтмасликка, олға интилишга ундовчи илинжлар ҳам йўқ эмас. Яъники, бу инсониятнинг оғир меҳнатини енгиллаштирувчи, жисмонан соғлом, ақлан етук ва умри боқий бир насл қолдириш орзуси! Гўёки бу орзунинг рўёби бутун инсониятни фаровонликка олиб боради, унинг машаққатли ҳаётига анча-мунча ижобий ўзгаришлар олиб келадигандек! Илмий анжумандаги нутқидан ҳам қаҳрамонимизнинг қанчалар изланувчан, шу билан бирга, қалби уйғоқ инсон сифатида тасвирланганлигига гувоҳ бўламиз:

"...Бугунги кунда тажрибахоналарда сон-саноксиз жонзотлар устида турли-туман тадқиқотлар ўтказилмоқда, минглаб ҳайвонларнинг тана хусусиятлари, ички аъзолари, ҳар хил таъсирларга муносабати ўрганилмоқда.

Бизбу жонзотларга илму фан таракқиёти йўлида қурбон қилиниши лозим бўлган тажриба материали деб қараймизми ёхуд инсон дебми? Тадқиқотларимиз янги, барҳаёт насл олиш йўлидаги заҳматлар сифатида олқишланадими ёки инсоният устидан ўтказилган ғайриинсоний тажрибалар деб лаънатланадими – бу савол ҳам очик қолмоқда...”

Шунингдек, қаҳрамониимиз илм-фаннинг энг юксак чўққиси, неча йиллик тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ дунёга келган умрибоқий ва ақл-тафаккурда тенгсиз жонзотнинг яратилишини “Тангрининг иродасига исён ўлароқ, яъни, у белгилаб берган ҳаёт-мамот ва тақдир чегараларидан жасуруна сакраб ўтиб” амалга оширилганлигини таъкидлайди.

Мана шундай мураккаб руҳиятга эга бўлган қаҳрамонлардан яна бири Профессор Зиёнинг ўғлидир. Унинг бутун борлиғи, кечинмалари, ўй-фикрлари биргина отасига ёзилган мактуби орқали очиб берилади.

“Авлод” дея номланган ушбу бўлим орқали ўғилнинг меҳрибон, масъулиятли, билимли, оилапарвар ва имон-этиқодли эканлиги англашилади. У ота-онанинг кадрини, Яратганнинг мўтабарлигини чин инсоний туйғулар ила ҳис этади, кўнглида эса доимо янада кўпроқ ҳаёт моҳиятини англашга бўлган иштиёқ туғён уради. Камолот сари интилиш қаҳрамон ҳаётининг моҳиятини ташкил этади:

“Ота, абадий дарбадарликка маҳкум бир одам ҳақида айтган ривоятингизни эслайсизми? Мен ҳозир дунёнинг ҳар бир мамлақатида, ҳар бир гўшасида, ҳалол ва имонли кишилар билан бир қаторда, ана шундай дарбадар инсонларни ҳам кўрмоқдаман. Шундай дарбадарликка мубтало бўлмасликнинг йўллари изламоқдаман. Кун келиб, руҳим самоларга қараб йўл олганида, мукамалликка эришган зотлар билан бир қаторда бўлишни орзу қиламан...”

Муборак зотлар эришган ҳикмат қопқалари халқимнинг дуосяю Тангримнинг мустажоби туфайли очилишига аминман...”

Бундан ташқари, персонажимизнинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби хусусиятларини ҳам кўришимиз мумкин. У ўз ватанининг кадрини имонининг қиймати билан тенглаштиради, уларни бир-бири билан узвий боғлиқ ҳодиса сифатида кўради. Бу тўғрисида ўзига хос, теран фикрларини қуйидагича баён этади:

“...Менга юрт шу имонимни ҳимоя қилишим, уни ёт таъсирлардан сақлай олишим, шоядки Тангрим фарзанд ато этса, уни айнан шу руҳда, айнан шу

хақиқатлар билан тарбиялашим учун керак. Шу жойда Имон билан Ватан деган нарсаларнинг бирлашганини кўраман. Зотан, руҳ танасиз бу дунёда мавжуд бўла олмаганидай, имон ҳам Ватансиз мавжуд бўла олмаслигини кўраман...”

Кўриниб турибдики, бу персонаж ҳам инсоният учун мангу долзарблик касб этган масалалар тўғрисида бош қотиради, юксак туйғуларни тараннум этади ва бу тўғрисида отаси билан бемалол фикр алмаша олади. Ўтмиш ва келажак ўртасида қандай қадам ташлаш учун жуда теран ва машаққатли ўйларга ботган ушбу қаҳрамон тўғрисида Педагогика фанлари доктори, Профессор Қозоқбой Йўлдош ўзининг “Роман ва бугунги ўзбек романчилиги” номли мақоласида шундай фикрларни келтириб ўтади:

“Назаримизда, асарда профессор Зиёнинг ўғли образи табиати бир қадар кенгрок тасвирланиши, асосланилиши ва такомилга етказилиши лозим эди. Ҳар битта одамнинг мавжудлиги унинг макони, миллати ва имонидан ташқарида бўлмаслигини англаган, ана шу қадриятларга меҳр кўйилгандагина глобал фалокатлардан эмин бўлинишини тушунган, табиий катаклизмлар инсоннинг маънавий айнишлари натижаси эканини кўра олган йигитнинг бу ҳақиқатларни ҳис этиши ёки унинг шу фикрга келишига туртки бўлган сабаб акс эттирилганда, роман савияси юксалган бўларди”.

Ҳақиқатдан ҳам, мазкур қаҳрамоннинг бунчалар мантиқли, гўзал ва бетакрор ҳаётий хулосаларга келиши учун унинг ўзига тааллуқли бўлган ҳеч қандай асос, туртки роман давомида берилмайди. Бу борада устоз олим Қозоқбой Йўлдош фикрларини ўринли деб биламан. Демак, ҳар қандай персонажнинг ички дунёси ва мана шу дунёнинг пайдо бўлишидаги асосий омиллар китобхоннинг асарга бўлган ишонч ва қизиқишини таъминловчи воситалардир.

Хулоса қилиб айтганда, Исажон Султоннинг “Озод” ҳамда “Боқий дарбадар” романларида яратилган персонажлар ўзининг бетакрор руҳияти, тафаккури ва қалб кечинмалари билан кўплаб бошқа асарлардан ажралиб туради. Айниқса, қаҳрамонлар қатига сингдирилган рамзий маънолар уларнинг умрбоқийлик касб этишида муҳим омилдир. Асар тили орқали берилган персонажлар нутқи ҳам қаҳрамонлар характери ва ички дунёсини очишда катта хизмат қилган. Муаллифнинг бундай натижага эришиши эса, шубҳасиз, истеъдод, кўп йиллик тажриба, меҳнат ва изланишлар самарасидир.

## III БОБ. Романларда бадиият ва психологизм

### 3.1. Замоनावий романларда бадиий-тасвирий воситаларнинг қўлланилиши

Бадиий адабиётга “сўз санъати” дея таъриф берилади. Демак, сўзни моҳирона қўллаш, уни гўзал товланишлар, рангин қирралар билан бирга ўқувчига тақдим этиш учун ёзувчидан катта маҳорат талаб этилади. Ёзувчи фақат ёзмайди, балки тасвирлайди, ифода этади. Асар қатига сингдирилган улкан маъно-мазмун бадиий юксак тасвирлансагина ижодкор ўз муддаосига эришган ҳисобланади. Шу ўринда филология фанлари доктори, Профессор Қозоқбой Йўлдошев шундай фикрларни келтириб ўтган:

“Адабий образ сўз қобиғидан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Тасвирланган оламнинг барча тафсиллари фақат сўз шаклидагина бадиий борлиққа айланади. Сўз, тил бадиий адабиётни юзага келтирувчи асосий моя, ундаги образлиликнинг асосий ташувчисидир”.

Ифоданинг гўзал ва бетакрор бўлиши эса бевосита бадиий-тасвирий воситаларнинг маҳорат билан қўлланилишига ҳам боғлиқ. Лирик асарлар билан бир қаторда насрий асарлар, хусусан, романларнинг ҳам жозибаси айнан мана шу воситаларни талаб этади. Ёзувчи воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамонлар характери, руҳияти, табиат манзараларини тасвирлар экан, албатта, жилодор, ранг-баранг сўзларга эҳтиёж сезади. Акс ҳолда, асар қуруқ, саёз чиқиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу тўғрисида адабиётшунос олим Эркин Худойбердиев шундай дейди:

“Бадиий асардаги ҳар бир сўз тасвирий восита ҳисобланиши мумкин, чунки у, албатта, мазкур асар мазмунини ифодалашга хизмат қилади. Шунга кўра, ёзувчилар воқеликдаги ҳодисаларни акс эттириш ва баҳолаш учун зарур сўз топа билишлари ҳамда уларни ўз ўрнида қўллаш ва улар воситасида кўзда тутилган маънони тўғри ифодалаш устида тинимсиз меҳнат қиладилар”.

Бундай воситалардан бири синонимлар, яъни, маъно жиҳатидан бири-бирига яқин, лекин бир хил ҳисобланмайдиган ҳодиса ва тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир. Бундай сўзлардан моҳирона фойдаланиш асар тилининг даражасини оширади ва ёзувчини такрорийликдан қутқаради. Синонимлардан фойдаланиш, айниқса, ўзбек адиблари учун аҳамиятли бўлиб, бунинг боиси, ўзбек тили маънодош сўзларга бой тил ҳисобланади.

Эътиборингизга Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида фойдаланилган синонимларга қаратамиз. Биргина “бефойда” сўзи маъносида муаллиф қуйидаги сўзларни қўллайди:

*Беҳуда, бесамар, дарбадар, кераксиз, аҳамияти йўқ, ҳеч нарса.*

Синонимларни матн асосида кўзатамиз:

*“Неки қилмасин, бари беҳуда бўлиб чиқаверган...*

*Ва, асрлар бўйи унинг қисмати ер юзида фақатгина бесамар дайдишдан иборат бўлиб қолган...*

*Нарсаларнинг яратилиши ҳақидаги ҳикматларинг аслида кераксиз, чунки ажал қай кўринишда бўлмасин, албатта етиб келади. Ўлимнинг қаерда ва қай тарзда етишининг кўпам аҳамияти йўқ- имонимизнинг бут бўлиши биз учун кифоя...”*

Бундан ташқари, “боқий” сўзи маъносида қўлланилган “мангу, абадий” каби сўзларни ёки “шамол, ел, шабада, эпкин, бўрон, бўҳрон”, “тийиқсиз, бошқариб бўлмас, ғайриихтиёрий” каби ва яна кўплаб синонимик қаторларни асарда кўришимиз мумкин. Бу сўзлар юқорида таъкидланганидек, хусусий маъно қирраларига ҳам эга. Шунинг учун бу сўзларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш кўп ҳолатларда услубий ғализликни келтириб чиқариши мумкин.

Шунингдек, ёзувчи асар мобайнида антонимлардан, яъни зид маъноли сўзлардан ҳам ўринли фойдаланган:

*“...Нарсалару ҳодисаларни, сабабларнию натижаларни, шубҳалару ҳақиқатларни бир-бирига чирмаштириб ташлаганини кўрмаяпсизми? Ҳамма нарсаси ғорат бўлиб кетадиган бу дунёга вужуди фоний, аммо руҳи боқий инсонни юбориши билан абадиятни ҳам ўраб олганини, Унинг абадиятдан-да юксак эканинию ҳатто мангулик ҳам унинг маҳлуқи эканини кўрмаяпсизми?”*

*Энг чиройли лаззатлар остига чиркинликни яширганини, беўхшов нарсаларнингбағрида ажойиботларни сақлаганини кўрмаяпсизми?”*

Гувоҳи бўлганингиздек, бир-бирига зид бўлган сўзлардан ҳам моҳирона фойдаланиш асар тининг мукаммаллашувига ва таъсирчанлигининг ортишига хизмат қилади.

Поэтик нутқни юзага келтирувчи энг асосий тасвирий воситалардан бири бу кўчимлардир. Сўзлар ўзлари билдирган муайян маъно-мазмундан ташқари яна бошқа турли маъноларда қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолат мажозийликни юзага келтиради ва асар тилини янада сайқаллаштиради. “Кўчим бирор нарса-ҳодисанинг яширин моҳиятини, унда мавжуд поэтик мазмун имкониятини юзага чиқаришга хизмат қилиши билан диққатга лойиқдир”. “Боқий дарбадар” романида ҳам ажойиб кўчимларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

“...улар бар парча тупроқ учун эмас, бу тупроқларда унган дов-  
дарахтлару бағридаги маъданлар учун эмас – айнан шу – имонинг ва миллат  
руҳининг қўрғони бўлгани учун ҳам жон таслим қилганлар, деб ўйлайман...  
Бутун дунё маҳдудлик қоронғулигида экан, чўлу биёбондаги кишиларнинг ақл  
кучи нима сабабдан бунчалар кучли эканига ҳайратланаман...

Назаримда дилмининг илдизлари шу ер ости булоқларига боғлаб  
қўйилганлай, узилса қурийдигандай...”

Ёзувчи кўчимлардан ўзи тасвирлаётган нарса-ҳодисанинг асосий томонига  
ўқувчининг диққат-эътиборини қаратиш мақсадида фойдаланади. Аслида имон  
ва руҳиятнинг ҳеч қандай қўрғони йўқ. Лекин кўчма маънода Ватан инсоният  
негизининг ҳимоячиси, унинг маънавий қўрғони ҳисобланади. Ёки дилнинг,  
кўнгилнинг илдизлари бўлмайди, фақат кўчма маънодагина кўнгил тубидаги  
руҳият ва инсонийлик подевори ҳисобланган самимий туйғулар ва кечинмалар  
илдиз вазифасини ўташи мумкин.

Навбатдаги тасвирий восита сифатида кўчимнинг бир кўриниши  
ҳисобланган жонлантиришни олишимиз мумкин. Яъни, бунда ёзувчи асарнинг  
таъсир кучини, эстетик жозибасини ошириш мақсадида жонсиз предметларга  
жонли мавжудотларга хос хусусиятларни кўчириб тасвирлайди. Бундай ҳолатни  
ҳам мазкур асар давомида кўплаб учратишимиз мумкин. Романнинг “Ибтидо”  
деб номланган бошланғич қисмининг ўзидаёқ бир неча жонлантириш воситаси  
намуналарига дуч келамиз:

“... Жазиранинг топ-тоза мовий осмонида бир парча оқ булут сузмоқда  
эди...

Саҳронинг қурғоқ шамоли ҳозир уни эҳтиётлик билан суриб бормоқда  
эди...”

Булутларнинг сузиши ёки шамолнинг булутни суриб бориши ҳолатининг  
акс эттирилиши тасвир жозибасининг ортишига, пейзажнинг мукамаллашишига  
хизмат қилган.

Асар қаҳрамони Профессор Зиёнинг бўрон бошланиши вақтида кўнглида  
пайдо бўлган хавотир ва руҳият тасвирида ҳам жонлантиришнинг ўзига хос  
намуналари муаллиф тилидан бениҳоя гўзал ва бетакрор ифодаланган:

“Бу – ғайриихтиёрий хавотир эди. Теваракдаги оддий ҳодисаларнинг ўз  
низомидан хиёлгина четга чиқиши киши кўнглида ақлга итоат қилмайдиган  
ҳиссиётларни ва қўрқувларни бино қилар, онг ҳарчанд уринмасин, юрак  
япроқдай дир-дир титрашини қўймасди...”

Гувоҳи бўлганимиздек, бадиий-тасвирий воситалардан фойдаланиш жараёнида асарнинг нечоғлик қиммат касб этаётганлиги кишини ҳайратга солади. Сўзнинг қудрати кўз олдимизда гавдаланади:

“Ёзувчи учун сўз ҳам қурол, ҳам бўёқ, ҳам соз, ҳам товуш, ҳам мўйқалам вазифасини бажаради, яъни сўз моҳир ёзувчилар қўлида образли фикрлаш, гўзал поэтик манзаралар чизиш учун ажиб восита бўлиб хизмат қилади”.

Бадиий-тасвирий воситалардан яна бири эпитетдир. Мазкур воситанинг муқобил номи сифатлаш бўлиб, бу восита орқали бирор нарса-ҳодиса ёки шахсга нисбатан ёзувчи томонидан махсус белги берилиб, у, албатта, кўчма маънода бўлади ва шу жиҳати билан оддий аниқловчилардан фарқланади. Эпитет сифатида деярли барча сўз туркумларидан фойдаланиш мумкин, лекин асосан, сифатлар етакчи мавқега эга. “Боқий дарбадар” романидаги “Шаҳри Ҳайбар” дея номланган қисмида бир қанча эпитетларга гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, асарнинг сарлавҳасида ҳам ёзувчи эпитет қўллайди, яъни инсонга нисбатан “боқий” ва “дарбадар” сифатларини бериб, Олий Ҳақиқатга қарши чиққанларга нисбатан мангу бесамар ҳаёт насиб этажагини мажозий маънода китобхонларга уқтиради, ҳаётнинг бош мезони –мазмунли ҳаёт кечиришдан жудолик инсон учун энг аянч қисмат эканлиги романда очиб берилади. Энди эса навбатдаги сифатлашларга эътибор қаратамиз:

*“Саратоннинг қизғиш, яллиғланувчи жазирама осмонда гоҳ-гоҳ жонзотларни умидлантириб, оқ ва кулранг булутлар адашиб келиб қолади. Қум аро униб чиққану ипдай ҳолида сарғайиб-қувраган гиёҳлар олов эпкинуда ҳилпиллайди.*

*Беш йилдирки, бу саҳро барханлари аро бир тадқиқотчи афсонавий мангуликшаҳрини излаб кун ўтказади...*

*...Лекин бу воқеа менинг соқин ҳаётимни остин-устин қилиб юборди...”*

Осмонга нисбатан “яллиғланувчи” ёки шамолга берилган “олов” сифатлашлари, албатта, одатий аниқловчилардан фарқли. Чунки бу ерда юқорида айтиб ўтилганидек, мажозийлик бор.

Махсус тасвирий воситалардан яна бири риторик сўроқдир. Бу усул ҳам китобхон эътиборини асарга янада жалб қилиш, унинг ҳиссиётини ва асар пафосини кучайтириш учун ажойиб воситалардан биридир. Риторик сўроқ гапнинг оддий сўроқлардан фарқи ҳам ундаги ҳаяжон ва оҳангнинг кутилмаган тусда берилишидир. Бунда сўроқ учун жавоб талаб қилинмайди, балки китобхоннинг бутун диққат-эътибори муайян ҳодисага жиддий тарзда йўналтирилади ва муаллиф ҳиссиёти ўқувчига юқтирилади. “Боқий дарбадар” романида қўлланилган риторик сўроқлар, бошқа асарлардан фарқли ўлароқ,

фалсафий ва мажозий мазмунга эга. Асардаги риторик сўроқлар кўпроқ бош қаҳрамон тилидан берилади. “Мангу дарбадарнинг қайтиши” пьесаси вақтида саҳнада пайдо бўлган чинакам “Боқий дарбадар” инсонларга қарата шундай нутқ ирод этади:

*“Сиз Тангри таолонинг жазоси нима эканини қайдан билақолдингиз? Оловда ёниш деган нарсани фақатгина ўзингиз таом пишириб-исинадиган олов деб ўйладингизу У сизнинг гуноҳларингизни тўксин деб яратгани касалликларнинг бири боис иситма хуруж қилганида, сиз билган оловдан кўра фарқли табиатга эга бошқа бир олов ич-ичингизни ёндираётганлигига шоҳид бўлатуриб шундай деяпсизми?”*

*Сиз Тангри таолонинг лаънати нима эканини қайдан билақолдингизки, тоғлару сувларни, самолару ер остини зир-зир титратадиган бу сўзни менга қўлладингиз? Айшу сафо ичида, май хилватларида, Тангрим яратган сўлим боғларда сархуш бўлиб ағанаб ётган ҳолингизда, қайга бош урарини билмай юрган, аммо сиздан кўра кўпроқ нарсани биладиган бир бечорани бундай дейишга қандай ҳаддингиз сиғди? Тилингиз қандай айланди? Дилингиз қандай қабул қилди?...”*

Қаҳрамон тилидан берилган, кучли ҳаяжонга эга мазкур сўроқлар ўқувчини ўйга толдирмай қўймайди. Инсоннинг Яратган ва унинг иродаси олдида нақадар ожизу нотавон эканлиги, унинг бандаларига нисбатан ҳукм чиқариш, ҳаттоки улар ҳақида фикр билдириш, баҳолаш ҳам нечоғлик мушкул эканлиги ҳақида сўз кетади. Бундан ташқари, асарнинг айна мана шу қисмида қаҳрамон тилидан ўзига хос риторик хитоблар ҳам берилади:

*“...Мен Парвардигоримнинг имонли бир бандасиман!...”*

*Аммо сиз мени, Азозилдан ҳам малъунроқсан, деб маломат қилдингиз!...*

*Аслида мен – қиёматда олиши керак бўлган жазонинг бир қисмини шу дунёда олганлардан биттасиман, холос!...*

*Мен Парвардигоримдан, сиздангина паноҳ беришини сўрашдан бошқа сўз демайман. У қисматимга шуни битибдими, истасам ҳам, истамасам ҳам-албатта шундай бўлади!...”*

Поэтик синтаксисга хос бўлган мазкур унсурлар, биринчи навбатда, асар мазмунини очишга хизмат қилган бўлса, яна бир томондан, асарнинг пафосини кучайтиради.

Романнинг баъзи бир ўринларида эса перифраз воситасидан жуда унумли фойдаланилади. Бу тасвирий восита орқали ёзувчи бирон нарса-ҳодиса ёки шахс номини айнан келтирмасдан, балки бошқа ном билан атайди ва унга ишора қилади. Бу эса тасвирланаётган нарса-ҳодисанинг мантиқий урғу

олаётганлигидан далолат беради. Романдаги “Авлод” дея ном олган қисм Профессор Зиёнинг ўғли томонидан отасига битилган мактуби бўлиб, ушбу хат орқали берилган персонаж нутқи ниҳоятда мукамал ва таъсирлидир. Шу ўринда ўғил ўз фалсафий фикрларини ифодалар экан, перифразлардан ҳам самарали фойдаланади:

*“...Чунки, ҳамма ерда кўзга кўринмас Искандар девори бор. Унинг ортидаги фозиллар шаҳри, ундаги нафис мажлислар фақат шу ерда ўсиб-унган, шу маданият булоғидан қонган одамгагина намоён бўлади”.*

Бу ерда “Искандар девори” аслида маънавий қўрғон, маънавий муҳофаза бўлиб, қаҳрамон тасвирлаётган мамлакат айнан шундай кучли муҳофазаланган ҳисобланади. “Фозиллар шаҳри” ўз номи билан Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарига ишора бўлиб, бу ерда ёзувчи юксак маънавиятли, ҳурфикр инсонлар мамлакатига имо қилади. “Нафис мажлислар” эса маърифат пешволари суҳбатига, худди шунингдек, ҳазрат Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарига бевосита алоқадор.

Шунингдек, асарда кўплаб неологизм ва профессионализмлар ҳам учрайди. Инсонни такомиллаштириш марказида бўлиб ўтган Халқаро анжуманда персонажлар нутқи орқали бир қатор неологизм ва айнаи бир вақтда профессионализм сифатида келган воситаларни учратамиз. Негаки бу атамалар генетика соҳасига оид бўлиб, тилимизга яқинда ўзлаштирилган ҳисобланади. DNA(Deoxyribose Nucleic Acid, яъни дезоксирибонуклеин кислота), эвтаназия, ген, комбинация, геном, эмбрион, регенерация, клонлаштириш, сунъий урчитиш ва б.

Юқоридаги сўзларни матн асосида кузатамиз:

*“... Анжуманда инсон генетикаси ва руҳияти борасида донғи кетган энг машҳур олимлар иштирок этаётган бўлса-да, нутқлар ҳамда ҳисоботлар жуда суст бормоқда, салқин залда кенг-қулай оромкурсиларда ўтирган илм аҳли нурланишларнинг ҳамда янги технологияларнинг одам генига ва эмбрионига таъсири ҳақидаги узундан-узоқ нутқларни анчайин зеркикиш билан тингламоқда эдилар...”*

- *Тўртинчи халқа DNA ўрамларига ўтказилган таъсирлар натижасида у нурланишларга чидамли бўлиб дунёга келди. Бу геномнинг нуқсонни – у кўр...”*

Бундан ташқари,асарда фақат неологизм сифатида қатнашган кўплаб сўзларни ҳам кузатамиз:

Профессор, лайнер, салон, стюардесса, Пи-Ар, монитор, премьера ва ҳқ.

Бу каби тилимизга эндигина ўзлашган ва муомалага киритилган сўзларнинг бадий асар тилида қўлланилиши, албатта, ижобий ҳол.

“Умумтилдаги янги сўзлар ҳаётда янги тушунча ва ҳодисалар пайдо бўлгани учун уларнинг тилдаги ифодасини бериш эҳтиёжи натижасида юзага келади”. Шунинг учун бу каби сўзлар поэтик нутқ савиясини туширмасдан, балки умуллексикамизни янади яхши ўзлаштиришимиз учун ҳам кўмак беради. Ўқувчилар интеллекти ва салоҳиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, бадиий асар тилининг қанчалик равон ва эстетик таъсирчан бўлиши бадиий-тасвирий воситаларнинг ўринли ва самарали қўлланилиши билан бевосита боғлиқ. Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида қўлланилган тасвирий воситалар ўзининг жонлилиги, бетакрорлиги ва ўринлилиги билан асардаги шакл ва мазмун мутаносиблигига катта ҳисса қўшган. Муаллиф тили ҳам, персонажлар нутқи ҳам образли тарзда гўзал ифодаланган. Шу билан бир қаторда, асардаги руҳият масаласининг янада чуқурроқ англанилишига замин ҳозирлаган, десак муболаға бўлмайди.

### **3.2. Романларда психологик тасвир**

Ҳар қандай жанрдаги эпик асар, шу жумладан, романларнинг ҳам бадиияти негизида психологик тасвирнинг ўрни беқиёс. Романнинг бадиий қиммати, ўқишлилик даражаси, оддий баёнчиликка берилган асарлардан ажратиб турадиган жиҳати ҳам, албатта, ундаги психологик тасвирнинг қай даражада маҳорат билан яратилганлигига боғлиқ. Қаҳрамонлар руҳияти, кечинмалари, ўй-хаёллари тасвири, уларнинг хатти-ҳаракатлари, тутумлари, гап-сўзлари орқали очиқ берилаётган характер асарнинг ғоявий мазмунини ҳам очишга катта хизмат қилади.

Айниқса, бугунги кунда яратилаётган замонавий романларда психологик тасвир ўзининг юқори чўққисига эришди, десак муболаға эмас. Н.Эшонқулнинг “Гўрўғли”, У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар”, И.Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод”, С.Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирганлари” ва яна бир қатор романлар юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир. Яъни, мустақиллик даври ўзбек адабиётининг, хусусан, ўзбек насрининг ўзига хос хусусиятларидан бирламчиси ҳам инсон руҳияти тасвирининг етакчи планда эканлигидадир. Бу борада Филология фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошнинг қуйидаги фикрлари аҳамиятли:

“Ҳозирги насрда одамга ҳаёт орқали эмас, балки ҳаётга одам тасвири орқали ёндашилаётгани кўзга ташланади. Бундай бадиий асарда муаллиф

ҳаётни ўрганиш ва акс эттиришни мақсад қилмайди, балки буларни тасвирланаётган шахснинг табиатини тушуниш ва изоҳлашга восита ҳисоблайди. Одам руҳиятининг тасвири ҳаёт ҳодисалари ва уларнинг манбасини тўғри тушуниш ҳамда изоҳлашга очқич бўлади. Шу сабаб бугунги ўзбек насрида инсон руҳияти товланишларини акс эттириш устуворлик қилмоқда”.

Демак, бугунги ўзбек адаблари ўз услублари устида ишлар экан, биринчи навбатда, қаҳрамонлар психологиясини очишга диққат қаратадилар. Бунинг учун, шубҳасиз, персонаж нутқидан моҳирона фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, ҳар бир образнинг ички дунёсини очишда унинг нутқи бирламчи восита ҳисобланади.

“Ёзувчилар персонажлар нутқи орқали уларнинг ўзига хос хусусиятлари, руҳий дунёларини, яшаш тарзлари, характерларининг мантиғини, муайян шароит учун муштарак томонларини очиб берадилар. Шунга кўра, персонажлар нутқи қаҳрамонларни алоҳидалаштириш воситаси ҳисобланади”.

Исажон султоннинг “Озод” романида ҳам қаҳрамонлар руҳияти ўзига хос тарзда тасвирланган. Ота, ўғил, узумзорлар эгаси, Шамол, Озод, Дилором, Муртад ва бошқа бир қатор персонажларнинг ҳар бири ўз нутқлари орқали ўй-фикр, ҳис-туйғуларини ифода этадилар. Ёзувчининг маҳорати шунда кўринадикки, романдаги ҳар бир қаҳрамоннинг ички дунёси такрорланмас, бир-биридан фарқли тарзда ҳаёт мантиғига эга. Асардаги барча қаҳрамон ўйлайди, фикрлайди, ҳис қилади, яъниким, ҳаракатланади.

“Ўғил”номли қисм айнан шу қаҳрамоннинг ички дунёсига бағишланган бўлиб, қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Бутун умр экинзорда меҳнат қилиб, рўзғор тебратган отаси, қайсидир тўй паловида сероброқ гўшт бўлса, кейинчалик анчагача мақтаб-тамшаниб юрадиган қишлоқдошлари ҳаётига разм солар экан, ўғил ўйга ботади. Ўзининг ҳам қисмати худди шундай, нари борса, шунга ўхшаш эканлигини ҳис қилади. Унинг тафаккур оламини турли жумбоқлар, мавҳум саволлар банд эта бошлайди:

“Тўйларда яйраймиз, кейинчалик эса янги келин-куёвнинг ҳам оҳори кетиб қолади гўё... кун ўтган сайин хиралашиб, элга қўшилиб бораётгандай туюлади... келиннинг оқ юзлари, куёвнинг чақноқ кўзлари туссизлашади... улар ҳам меҳнатдан бош кўтаришмайди... келиннинг ер чопаетганини, меҳнатга кўмилиб кетганини кўраман... ҳамма-ҳаммаси ҳайбатли бир савол бўлиб бошимга келиб осилиб тураверади: одам боласи дунёга нимага келади ўзи?”

Кўринадикки, қаҳрамон ўз хаёллари гирдобига шу даражада шўнғиганки, ҳатто барча учун оддий ҳолдек бўлиб кўринган ҳолатлар унинг қалбини ларзага

келтиради, шуурида улкан бир бўшлиқни пайдо қилади, умрнинг моҳияти ҳақида ўйга толдиради.

Асарда персонаж нутқи кўпроқ монолог тарзида ифода этилган.

“Адабий асарда персонажнинг бошқаларга қарата сўзлаши ёки ўз-ўзи билан руҳан суҳбатлашиши монолог деб аталади...

Монолог қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, ҳар доим қаҳрамонлар руҳий оламини, онгидаги ўзгаришларни, турли кишиларга, нарса-ҳодисаларга муносабатини аниқлашга олиб келади”.

Романдаги монологларда зоҳирий оламнинг қаҳрамон ботинида қандай товланаётганлиги, аксланишлари тасвир этилади. Қаҳрамон исми берилмаган бўлса-да, унинг “ўғил” дея номланиши бу образ елкасига қандай юк, қанча маънолар ортилганлигидан дарак беради. У, энг аввало, фарзанд, шунинг учун онг-у шуурини, бирламчи навбатда, ота-она тўғрисидаги мушоҳадалар банд этади:

“Эй болаи нодон, отанинг қандай зот эканини қайдан билардинг, дейдилар кексалар. Онанинг кимлигини қайдан ҳам билардинг? Дунёнинг бор сарвати она қадамнинг битта изига арзирмиди? Эй ўғлон, онанга, онанга, онанга, ундан кейин отанга яхшилик қил! Ажабо, она отадан ҳам муборакми деб ҳайрон бўлсам, кулимсираб тушунтирадилар: “шунчалар мукаррам бўлган онанг отангнинг измида эканини кўрмайсанми?...”

Бу каби кишини ўйга толдирадиган, ичзил ва мураккаб руҳият эгаси бўлган қаҳрамонлар ва уларнинг психологик тасвирларига асар давомида кўп бора гувоҳ бўламиз. Психологик тасвирнинг ўзи ҳам турли кўринишларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, мантиқий мазмун-моҳиятга эга.

“Маълумки, бадий ижодда қаҳрамон образини яратишда шахснинг бирор руҳий ҳолати, эмоционал дунёси, шахсий энергияси ва потенциал имконияти бадий гавдалантирилади. Бу борада ички нутқ, диалог ва эпик ҳикоялашнинг роли фавқулодда муҳим. Ички нутқда, асосан, кишининг бировга ошкор қилиш мумкин бўлмаган ҳис-туйғулари, кечинмалари ифодаланса, диалогда баҳслар, ўзаро фикр алмашувлар, суҳбатлар ва дунёқарашлар “жангги” асосий ҳисобланади. Муайян мураккаб вазиятларда эса қаҳрамонлар ўзларининг қалбини, шахсий интилишларини ички нутқда очиб беради. Эпик ҳикоялашда эса қаҳрамон ўзи айтолмаган, ифода қилишга қийналган ҳолатларни ёзувчи (автор нутқи орқали) бутун мураккаблиги билан ўқувчига намоён этади”.

Юқорида келтирилган мисолларимизички нутқнинг ёрқин намуналарибўлиб, қаҳрамон кўнглидан ва тафаккуридан ўтказётган сўзларини, мушоҳадаларини ҳеч кимга айта олмайди. Унинг бутун руҳиятини банд этган, онгига сингиб кетган саволларга фақат унинг ўзига жавоб бера олади. Психологик тасвирнинг бундай кўриниши қаҳрамон руҳиятини очиб беришда энг муҳим восита саналади. Чунки инсон фақат ўзи билна сўзлашганлагина ўз қийфасида, ўзлигида бўлади.

Шунингдек, романда кўплаб диалогларни ҳам учратиш мумкин. Романда келтирилган диалоглар бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, фалсафий мазмунга бой бўлиб, ўқувчини ўйлантирмасдан қўймайди. “Диалоглар персонажларнинг ўзаро муносабатларини, руҳий дунёларини, характер қирраларини ва умуман, асарнинг мазмунини очишда муайян вазифани адо этади”.

Шу ўринда Озод ва шамол ўртасидаги қуйидаги суҳбатга эътибор берайлик:

“Шамол жавоб берди:

- Мен бир одамни кўрганман. У чуқур тубида эди, чуқурда чаёнлар ва илонлар бор бўлиб, азоб беришар эди. Бир неча йилдан буён мана шу ўқубат ичида қийналарди. Бир куни кимлардир келиб, уни чуқурдан чиқардилар, майин майсалар унган, кўм-кўк сувлар шарқираб оққан жойга олдилар.
- Бу рамзни тушундим, - деди Озод. – Мен янада чуқурроқ қатламни кўрмоқчиман.
- Румуз шундай нарсаки, у кетганлар учун эмас, дунёда қолганлар учун румуздир, - деди шамол. – Кетганлар учун асл нарса бошқа, сен яна хато қилдинг.
- Хатоим нимада? – деди Озод.
- Румузнинг остида ҳикмат бор, - деб жавоб берди шамол. – Сен ўша ҳикматнинг ҳам тубига боқ. Фитратингнинг пардалари остидаги яна бир парда очилса, тамомила бошқа ҳодисаларни кўра бошлайсан...”

Бу суҳбат орқали Озоднинг ҳали ёш, ҳаёт маънолари олдида ожиз эканлигини, шамолнинг донишмандлик рамзи, нуроний бир оқсоқол тимсолида эканлигини англаймиз. Лекин воқеалар ривожидавомида бу икки қаҳрамон ҳам

бемисл ўзгаришларга дуч келади ва Озоднинг руҳиятида юксак ўзгариш содир бўлади. Буни ҳам қуйидаги диалог орқали кузатамиз:

“- У ёқларда сен ҳам, мен ҳам билмайдиган ҳақиқатлар борга ўхшайди, - деди Озод. – Мен бундан ҳам нарига боришни истайман. Балки ростдан ҳам у дунёга ўтгувчи туйнук бордир?”

- Йўқ, мен бундан нарига ўтолмайман, - деди шамол, янада шиддати пасайиб.
- Сени тушундим, - деди Озод. – Бир сенигина эмас, бошқаларнинг айтганларини ҳам тушуниб етдим.

Шамол энди ер бағирлаб мулойим эсарди.

- Сенга бўйсунаман, эй азиз ва мукарам зот, - деди у шивирлаб. – лекин, энди керагим йўққа ўхшайди. Изн бер, изимга қайтай ва азалий ишимда давом этай.
- Тўғри, энди керагинг йўқ, - деди Озод ва амр қилди: - Эй Тангрим яратган зот! Ҳалок бўлмасингдан ер узра яслан ва амримни кутиб тур...”

Психологик тасвирнинг бу кўриниши қаҳрамонлар табиати ва руҳий оламини китобхонга яққол кўрсатади ва уларнинг характерини очиб беради. “Озод” романидаги диалоглар ҳам айна мақсадларда юқори маҳорат билан яратилган бўлиб, асар савиясининг ортишида ўз ҳиссасига эга.

Эпик ҳикоялаш эса ички нутқ ва диалогдан бирмунча фарқ қилиб, бунда қаҳрамон сўзламайди. Балки муаллиф тилидан ҳаракатга келтирилади. Унинг ўй-фикрлари, ҳис-туйғулари муаллиф томонидан ҳикоя қилинади, тасвирланади. Бу усулнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу ҳақида Профессор Қозоқбой Йўлдош қуйидаги фикрларни келтириб ўтади:

“Персонаж ички дунёсини учинчи шахс томонидан кўрсатиш усули ҳам ўз афзалликларига эга. Руҳий тасвирнинг бу шаклида муаллиф ўқирманни ҳеч қандай чеклашларсиз қаҳрамон ички дунёсининг барча яширин пучмоқларига киритиб, унинг ички оламини батафсил ҳамда чуқур кўрсата олади. Ёзувчи учун қаҳрамон ички оламининг сирли ва номаълум жойи йўқлиги сабаб ички руҳий жараёнларни энг майда тафсилотларигача билади ва уларда содир бўлаётган катта-кичик ўзгаришларни тасвирлаб бера олади...”

“Озод” романида келтирилган эпик ҳикоялашнинг намуналарига эътибор қаратамиз. Бош қаҳрамон Озод афсонавий Ҳумо қушини излаб топади. Умр машаққатларининг бахт-у саодатга айланиши рамзи ҳисобланган бу қуш эса Озоднинг елкасига қўнмай учиб кетади. Бу ҳолдан чуқур ҳасрат ва надоматга ботган қаҳрамон руҳияти муаллиф тилидан қуйидагича тасвир этилади:

“... Ойдинкўл барибир қуришга маҳкум, Туз чўли кичрая-кичрая, одамлар келиб ўзларини кўмиб шифо истайдиган оддий маъданли қум шаклини олар, отлар садоқати ҳақидаги ривоят ҳеч қачон бўлмаган чўпчакка айланар, умрнинг маъноси ҳам йўқолиб, кўп қаттиқ сафар шаклини оладигандай... ўзи эса ҳаётининг сўнгида, бир маҳаллар отаси ўтқазган беҳининг тубида чор-ночор “сен ҳам мендай қартайибсан-ку” деб изтироб чекадигандай... тақдирларни тамоман ўзгартирувчи, ҳикматларга тўлуғ ажал фариштаси Қобиз эса “Умрини беҳудага сарф қилган бу руҳни ер юзидан кўтарингиз” деган амр остида жонини қийнаб оладигандай... шуларнинг бари бир лаҳзалик чархпалак каби ақлини шоширмоқда, руҳини қўрқитмоқда эди...”

Бу усулнинг ҳам ўз ўрни ва меъёри бўлиб, уни асарнинг дуч келган жойида ноўрин қўллаш бадий асар инқирозига олиб келиши мумкин. Демак, қаҳрамон руҳиятини очувчи ҳар қандай ҳолатни ҳам муаллиф тилидан бериб бўлмайди, шунингдек, муаллифга тааллуқли жумлаларни қаҳрамон тилидан бериш ҳам тўғри эмас. Шу ўринда қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш жоиз:

“Бизда кўп кишилар автор айтмоқчи бўлган гапни қаҳрамонлар гапирса қизиқроқ бўларди, деб ўйлашади. Бу хато. Автор айтиши лозим бўлган гапни қаҳрамонлардан бирортасига топшириш ярамайди. Шундай қилинган тақдирда қаҳрамонлар туссиз бўлиб қолади, авторнинг жарчисига айланади. қаҳрамонлар айтиши керак гапларни эса, автор ўз устига олиб, учинчи шахс тилидан гапирмаслиги керак”.

Кўриниб турибдики, эпик ҳикоялашда ёзувчи ниҳоятда синчковлик билан ёндашиши керак бўлади. Демак, қаҳрамоннинг кўнглидан кечган, ҳеч ким билан бўлиша олмайдиган гапларининг ҳаммасини ҳам ички нутқ орқали бера олмас эканмиз. Бундай ҳолларда эпик ҳикоялашдан моҳирона фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда яратилаётган романларда мураккаб ва такрорланмас руҳиятга, нозик кечинмалар ва юксак тафаккурга

эгақахрамонларнинг яратилиши ёзувчиларнинг ҳам бадиий маҳоратини, ҳам ўзига хос услубини белгилаб беради. Бундай образларнинг тасвирланиши, албатта, китобхонлар руҳиятининг ҳам юксак даражада ўсишига катта хизмат қилади.

## Хулоса

XX аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқларни очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ижодкорнинг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишига қаратилган ҳароратли сўзи<sup>1</sup> жуда муҳимдир.

Ҳар қандай ёзувчининг ҳам истеъдоди унинг қанча асар ёзганию, қанча ижод қилганлиги билан эмас, балки бадиий тафаккурга қандай ўзгаришлар олиб кириб, адабий жараёнга қандай таъсир ўтказганлиги билан белгиланади.

Ҳозирги адабий жараённинг етук қалам соҳибларидан бири ёзувчи И.Султон ижодкор сифатида роман, қисса ва ҳикоялари билан адабий меросимизни бойитмоқда. Унинг асарлари бугунги кун кишиларининг ижтимоий ҳаётига чамбарчас боғланиб кетади. Ёзувчи ижоди ҳақида инглиз, рус ва ўзбек тилидаги муҳокамалар давом этмоқда. Унда шарқ ва ғарб дарғаларининг воқеликни очишдаги услуби сезилади. Бу ижодкор доим изланишда, маҳоратини ошириб боришда ўзига хослик касб этади.

И.Султон ижоди, унинг асарлари бугунги кунда ўзбек адабиёти насри ижод фондини бойитиб келмоқда. Бу романларни бир марта ўқиб, унинг моҳиятини тушуниш баъзи китобхонлар учун мураккаблик қилса-да, юксак маънавиятга эга китобхон, албатта, романлардаги романтизм хусусиятлари, юксак туйғулар тараннумини, бадиийлик, эстетик қийматни чуқур англай олади.

Демак, тадқиқотимизга умумий бир хулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки, замонавий ўзбек романчилигида ёзувчи И.Султоннинг романлари алоҳида мавқеда туриши, ўзига хос услуб ва маҳорати, образларнинг янги талқини берилиши билан ажралиб туради. Биз юқорида кўрилган масалалар юзасидан қуйидаги якуний хулосаларимизни чиқарамиз:

- ёзувчи романларидаги бош мавзу, илгари сурилган ғоя умуминсоний ва умрбоқий бўлиб, ҳар қандай макон ва замонда ўз аҳамиятини йўқотмайди;

- муаллиф ҳар иккала романида ҳам инсоннинг мазмунли ва мақсадли ҳаёт кечиришини умрнинг бош мезони сифатида талқин этади;

- муаллиф ижодида монологик нутқнинг устунлиги сезилади. Романларида бадиий нутқнинг барча шакллари мисоллар учратиш мумкин бўлади. Улардан кўп қўллангани ички монологик нутқдир;

- романларда рамзийликнинг ўзига хос кўринишлари акс эттирилган бўлиб, деярли ҳар бир образ рамзийлик касб этади;

- қаҳрамонларнинг ички туғёнларини ифодалашда шеърий сатрлардан ҳам унумли фойдаланилади;

- бадиий тасвир воситалари, композицион унсурлар: портрет, пейзаж, интерьер ҳамда ташбеҳ, бадиий нутқ шакллари ва бошқалар содда, ортикча ифодаларсиз кўрсатилади;

- романлардаги бош қаҳрамон характер-хусусияти кенг талқин қилингани ҳолда, баъзи кичик образларнинг тасвирида эътиборсиз, эсдан чиқариб колдириладиган ўринлар ҳам учрайди;

- образлар бутун олам ва инсон мавжудлиги масаласини ўй-хаёллар, мулоҳазалар орқали ёритиш учун хизмат қилади;

- романларда қаҳрамонлар сифати ва инсоний тушунчалар тавсифида бошқаларникига ўхшамаган жумлаларни бериб, бадиий қуввати кучли сўз ва иборалардан ҳам унумли фойдаланилганига гувоҳ бўламиз;

- қаҳрамонлар психологизми кенг ёритилган бўлиб, китобхонда қаҳрамонлар руҳияти тўғрисида яққол таассурот пайдо қила олади.

Демак, бизнингча И.Султон ижоди, унинг романлари, яратган образлари ҳаққоний ва рамзий тасвирларда берилиб, чинакам инсон образини талқин этади, сўзнинг қудрати, умрнинг моҳияти-ю, руҳнинг комиллик сари интилиши каби масалаларни ўзига хос тарзда ифода этганлиги билан китобхонлар қалбидан жой олиб, бошқа кўплаб асарлардан алоҳида ажралиб туради, деб айта оламиз.

# Фойдаланилган адабиётлар

## рўйхати:

- *И.Каримов. Адабиётга эътибор- маънавиятга, келажакка эътибор. Т.: Ўзбекистон, 2009.*
- *И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.*
- *Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (Озод Шарафиддинов таржималари). Т.: Маънавият, 2010.*
- *У.Норматов. Ижод сеҳри. Т.: Шарқ, 2007.*
- *П.Қодиров. Адабий асарнинг тили. Т.: Фан, 1978.*
- *А.Макаренко. Бадиий ижод ҳақида. Т. -1960 й.*
- *Қ.Йўлдош, М.Йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. Т. -2016 й*
- *Истиқлол. Адабиёт. Танқид... (Ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам саволлари асосида қурилган суҳбатлар), Т., Турон замин зиё, – 2015й.*
- *Ч.Ниятов. Ҳозирги ўзбек прозасида характер проблемаси. Т. Фан. -1984 й,*
- *У.Қосимов, М.Жўраев. Ижодни англаш йўлида. Т. -2015 й*
- *Театр энциклопедияси: Вячеслав Карп. Агасфер – санъатда , 2015й.*
- *Қозоқбой Йўлдош. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги (2010 йил романлари мисолида). Шарқ юлдузи. 2013й, 3 – сон.*
- *М.Маҳмудов. Тақлид, тасвир, илҳом ва истеъдод. Шарқ юлдузи. № 3, 2014-й.*
-

*Наср: бугун ва эртага” (Абдуқаюм Йўлдошев томонидан ўтказилган давра суҳбати). ЎзАС. Т.: 2015 й. 6 ноябрь, № 45 (4340), 4-бет.*

- *Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари.Т.: Ўзбекистон, 2002.*
- *Э. Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. ЎАЖБНТ маркази-2003.*
- *И.Султон. Озод. Шарқ, Т.-2012.*
- *Исажон Султон. Боқий дарбадар. Т., Ўзбекистон. 2011.*
- *Ҳотам Умуров. Адабиёт назарияси. Т., Шарқ-2002 йил.*
- *Д.Қуронов. Адабиётшуносликка кириш. Т.-2004 й.*
- *Исажон Султон ижодига чизгилар. Ижодкор.сом/2011 й.*